O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ушбу сонда:
2 ПАЙСАЛГА СОЛИНГАН КРЕДИТ
3 ИШОНЧ ва ҲАЛОЛЛИК
ФИРИБГАР
4 БЕШАФҚАТ НАФС
ЁХУД ХХ АСР ЎГРИБОШИСИНИНГ ҚЎЛГА ОЛИНИШИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 44 (400)
2004 йил
16 ноябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушгандан кейин уч кун ичида, сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса дарҳол кўриб чиқилиши керак.

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 18-МОДДА

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Ҳадемай сайлов кампаниясининг навбатдаги босқичи — сайловолди ташвиқотига рухсат берилади. Қонунда белгиланганидек, депутатликка номзод Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан сайловолди ташвиқоти бошланади. Бу жараён сайловга бир кун қолгунига қадар давом этади. Сайловни ёритиш давомида оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Негаки ушбу кампания сайловчиларнинг муайян номзодни ёқлаб ёки қарши овоз беришига туртки бўлиши билан характерланади.

Сайловолди ташвиқоти, мутахассислар таърифлаганидек, сиёсий партиялар, фуқаролар, депутатликка номзодларнинг сайловда қатнашишга даъват этувчи ёки даъват этиш мақсадини кўзлаган ҳамда у ёки бошқа депутатликка номзодни ёқлаб ёки унга қарши овоз беришга қаратилган фаолиятидир.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади. Бу қоидалар **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги"** қонуннинг 27-моддасида белгилаб қўйилган.

Давлат фуқаролар, номзодларга, тегишли тартибда рўйхатдан ўтган номзодларини кўрсатган сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда қонун йўл қўядиган ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай қонуний йўл билан ташвиқот фаолиятини амалга ошириши эркинлигини таъминлайди.

Сайлов жараёнлари, хусусан, сайловолди ташвиқоти ҳақида сўз борар экан, ана шу жараёнларнинг қонун доирасида кечиши учун асосий масъул тузилма — Марказий сайлов комиссияси билан оммавий ахборот воситаларининг муносабатлари таҳлилига эътибор қаратиш айни муддаодир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов юзасидан сайлов кампанияси бошланганини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади, сайловларни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар, низомлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ва тушунтиришлар бериб боради.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари оммавий ахборот воситалари учун ҳам мажбурийми?

Жавоб аниқ: ҳа, албатта. **"Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"**ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ: **"Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдум ўтказиш комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир".**

Яна бир савол: бундай ҳол оммавий ахборот воситалари эркинлигига дахл қилмайдими?

Бу саволга жавоб бериш учун масалага чуқурроқ ёндашган маъқул, назаримизда.

Ҳозирги замон халқаро сайлов ҳуқуқи соҳасига таалуқли тамойил ва андозалар ичида **"сайловнинг мустақил сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши"**, деган алоҳида тамойил мавжуд. Миллий сайлов қонунчилигимизда барча асосий халқаро сайлов андозалари қатори ана шу принципга ҳам тўла амал қилинишини таъминлайдиган қоидалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис сайловларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилган ҳамда ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ана шундай мустақил тузилма ҳисобланади. Унинг фаолияти махсус қонун ҳужжати – **"Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"**ги қонун билан тартибга солинади. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий тамойиллари — қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлиликдир.

Бундай комиссиянинг ташкил этилиши ва доимий фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон ҳам аъзоси ҳисобланувчи Парламентлараро иттифоқ ҳужжатлари талабларига мос келади. Ўз фаолиятида турли сиёсий кучлар таъсиридан холи ва мустақил равишда, қонун асосида сайлов жараёнларига раҳбарлик қиладиган бу каби комиссиялар жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида мавжуд. Баъзи мамлакатларда марказий сайлов комиссияси фаолиятининг муайян давлат идораси ёки бошқа органларга юклатилиши тажрибасини ҳам кузатиш мумкин. Франция ва Италияда ушбу комиссия функциясини ички ишлар вазирлиги бажариши бунинг яққол исботидир.

Қисқа айтганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси демократик негизда, халқаро андозаларга мос ҳолда алоҳида орган сифатида ташкил этилгани ва унинг юқорида санаб ўтилган фаолият принциплари сайловларни демократик тарзда ўтказишнинг энг муҳим воситаси саналади. Марказий сайлов комиссияси, миллий қонунларимизда белгиланганидек, ўзининг бутун фаолияти билан сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилган.

Марказий сайлов комиссияси билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги қонуний муносабатлар қатор ҳолатларда амалда намоён бўлади. "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси:

(Давоми учинчи бетда)

ЎТГАН ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ХАБАРЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг "Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ, "Экология ва саломатлик кунлари"нинг учинчи босқичига бағишланган "Оролбўйи оналари ва болаларига" шиори остида умумреспублика ҳашари бўлиб ўтди.

* * *

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг "UZBEKISTAN AIRWAYS TECHNICS" авиакорхонасининг 80 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

* * *

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да мамлакатимизда илк бор "AutoMotorShow-2004" 1-ўзбек халқаро автомобил кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбир ITE Group Plc ҳамда ITE Uzbekistan компаниялари томонидан ташкил этилиб, "Тошшаҳарйўловчитранс" акциядорлик жамияти, республика Савдо-саноат палатаси, шунингдек, Россия Федерациясининг элчихоналари расмий кўмагида ўтказилди.

* * *

Япония ва Хитой Тайпейида деярли бир вақтнинг ўзида Рихтер шкаласи бўйича 6,7 ва 5,4 баллик зилзилалар қайд этилди.

* * *

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош қўмитаси БМТ Бош Ассамблеясининг 59-сессияси кун тартибига 2005 йилни халқаро физика йили деб эълон қилиш тўғрисидаги параграфни киритишни тавсия этди.

* * *

Фаластин мухторияти етакчиси 75 ёшли Ёсир Арафот 11 ноябр тонгда ҳаётдан кўз юмди. Унинг жасади Париждан Қоҳирага олиб келинган ва видолашув маросими ўтказилгач, у Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғига дафн этилди.

Матбуот хабарлари асосида Анвар ҚУЛМУРОДОВ тайёрлади.

Bugunning gapi

НОМЗОДНИНГ МАРТАБАСИ

Халқимизда кенгашли тўй тарқамас, деган нақл бор. Бу нақл аждоду авлодларнинг турмуш дастури сифатида турли замонларнинг синовидан ўтиб, пурмаъно ҳикматга айланиб кетган. Азалдан юртимизда тўй-маъракa маслаҳатсиз ўтмаган, иморатга пойдевор ташлашдан олдин кўпни кўрган пиру бадавлатлардан маслаҳат сўралган, уларнинг оқ фотиҳаси олинган.

Эрта бир кун қурилиб битган уйнинг бирор жойида кам-кўсти кўриниб қолса, ўтган-кетганларнинг ўша нуқсонга кўзи тушиб, "эҳ аттанг бир оғиз маслаҳатлашмабди-да", дейиши мумкин. Ахир, қурган иморати кишининг имкону салоҳиятидан ташқари, маданиятини ҳам кўз-кўз қилиб туради-да. Шунинг учун ҳам етти ўлчаб, бир кес, элинг билан гапингни пишит, чунки кўпда Ҳизр бор, дейишади донишмандлар.

Бугун бизнинг демократия, фуқаролик жамияти деб атаётганимиз, аслида, халқимизнинг ҳаёт тарзидан, турмуш-тутумидан суяк суриб келаётган кенгашиш, бамаслаҳат иш кўриш, ҳар қандай катта-кичик тадбирни элнинг раъйига қараб, унинг хоҳиш-истаги билан амалга оширмоқни англатади. Сайловлар — халқ иродасини намоён этадиган улкан сиёсий тадбир сифатида аллақачон жамиятимиз ҳаётида муҳим ўрин олган. Бу жараённинг жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида кам-кўстсиз ўтиши, барчамизга бирдай обрў-эътибор келтиришини тушуниб олсак — сиёсий маданиятимизни намоён этсак, улуғ қадриятларимизга муносиб тарзда Ватан равнақи йўлида яна бир дадил одим ташлаган бўламиз.

Дарвоқе, қарс икки қўлдан чиқаётган бўлар эди.

Суд амалиёти таҳлилларидан кўринишича, бундай салбий ҳолатларнинг пайдо бўлишининг бош сабаби фермер хўжалиги раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлиги етарли даражада олдинга сура билиши, шунингдек, номзоднинг зукколиги, ўзи интилаётган мақсад-муддаони қанчалик кенг ва теран тасаввур этиш лаёқати пировард натижада жамиятнинг саавиясини, сиёсий иқтидорини акс эттиради.

Олдинги ўтган сайловлар тажрибаси барчамизнинг кўзимизни пишитди, ақл-идрокимизни чархлади. Табиийки, энди маҳалланинг ўйдим-чуқур кўчасига асфальт ётқизиб беришни, узоқ овулга газ келтиришни ваъда қилиб, депутатлик мандатини қўлга киритадиган номзодлар даври ўтди. Бугунги сайловчи билан юзма-юз туриб мулоқотга киришиш, унинг қатъий хоҳиш-истакларини эшитиш депутат бўламан деган жўмарддан улкан салоҳиятни талаб этади. Энди депутатнинг савлати эмас, балки ақл-фаросати, яъни дастурининг нечоғли ҳаётийлиги, иқтисодий билими, сиёсий саводи етакчи аҳамият касб этади.

(Давоми учинчи бетда)

Istiqlol va imkoniyat

"ТАДБИРКОРЛИК – ҲАЛОВАТ ЭМАС, ИЗЛАНИШ, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ИНТИЛИШДИР" – дейди фермер Ёқуб Фаттоев

Ёқуб Фаттоев мактабда инглиз тилидан ўқувчиларга сабоқ бериб келар эди. Мамлакатимизда бошлаган фермерлик фаолияти эпкинлари унинг ҳаётини бошқа ўзанга буриб юборди.

— 1992 йилда тадбиркорларга кенг йўл очилгач, фермер хўжалиги ташкил этдик. 2 гектар ер олдик. 4 бош қорамолимиз бор эди, — дейди Ёқуб Фаттоев. — Одам ўқимаса, изланмаса, ҳаётдан орқада қолиб кетади. Айниқса, ҳақ-ҳуқуқларини, қонунни билмаган одамнинг иши юришмайди. Мен ўз фаолиятимга дахлдор амалдаги қонунларимизни ҳужжалаб ўқиб чиққанман. Бу — фаолиятимни барқарор давом эттиришда, муаммоларни тезроқ ҳал қилишда қўл келмоқда.

Мана, ўн икки йилдирки, Ёқуб ака "Фаттоев" фермер хўжалигига раҳбарлик қилиб келаяпти. У мамлакатимиз микёсида каттакатта анжуманларда иштирок этади. Тажриба алмашади, билмаганларини ўрганади.

— Тошкентда хорижлик ишбилармонлар иштирокида ташкил этилган бир анжуманга бордим. Хорижлик нотиқ иқтисодий ислоҳотлар таҳлили ҳақида гапирди. Таржимон аёл унинг сўзларини тушунтира бошлади, — ҳикоя қилади фермер. — Таржима ғализроқ чиққани менга маъқул бўлмади. Нотиқдан узр сўраб, унинг сўзларини ўзбек тилига деҳқончасига, равон таржима қилиб бердим. Танаффус чоғида у ёнимга келиб, инглиз тилини пухта билишимнинг боисини сўради. Ёшликдан ўқиб-ўрганганимни айтдим. Иш фаолиятим билан қизиқди.

Шундан сўнг орадан кўп вақт ўтмай, "Фаттоев" фермер хўжалигига хорижлик ишбилармонлар ташриф буюришди. Фермер хўжалиги фаолияти билан танишгач, улар ҳамкорлик қилиш истагини билдиришди. Шу сабаб бўлди-ю, фермернинг Вашингтондаги Мэриленд университети билан алоқалари бошланди.

Бундан уч йил муқаддам Ёқуб Фаттоев Мэриленд университетига бориб таҳсил олди, тажриба орттириб қайтди. Ҳозир у мазкур университетнинг вилоятдаги "Кенгайтирилган хизматлар маркази" бошлиғи сифатида фермерларга хориж тажрибасини ўргатмоқда, уларни АҚШга малака оширишга юбориш ишлари билан шуғулланмоқда. Бухоро Давлат университети, Ромитон ва Бухоро туманларидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларида марказнинг бўлимлари фаолият юритмоқда.

Мэриленд университети кенгайтирилган хизматлар маркази раҳбарлари, профессорлари, қишлоқ хўжалиги департаменти мутахассислари "Фаттоев" фермер хўжалигига компьютер совға қилишди. Бугун Ёқуб ака уйда ўтириб компьютер орқали океан орти олимлари билан бемалол фикрлаша олади.

Ёқуб Фаттоев Президентимизнинг шу йил 4 ноябрда қабул қилинган **"2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида"**ги Фармойиши фермерлик истиқболини белгиловчи муҳим омил эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, қишлоқда ижара муносабатларини ривожлантириш асосида ердан фойдаланишни тартибга солиш шарт. Ер ва сув ресурсларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи ва масъулиятни оширувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш фурсати етди.

Фермернинг фикрича, қишлоқда маҳсулот тайёрлаш, уни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек, фермер хўжаликларига сервиз хизмати кўрсатиш бўйича инфратузилмани кенг кўламда ривожлантириш керак. Давр фермерлардан тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ташкил этишни талаб этмоқда. Қишлоқ хўжалик фани, техникаси ва технологияларининг энг янги ютуқлари бўйича фермерлар кенг фойдалана оладиган замонавий ахборот тизимини барпо этишга эҳтиёж катта. Фермер хўжаликлари, тайёрлов корхоналари, шунингдек, фермерларга моддий-техника ресурслари етказиб беришни таъминлайдиган ва хизматлар кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларни бажариш механизмини таҳлил қилиш ғоятда зарур. Шундагина тузилаётган шартномалар мазмуни аниқравшан бўлиши ва қабул қилинган мажбуриятларни бажармаганлик учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш мумкин. Фермер хўжаликларини молиялаштириш ва давлат эҳтиёжи учун етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти учун улар билан ҳисоб-китоб қилиш механизмида ҳам муаммоларга дуч келинаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Бугун "Фаттоев" фермер хўжалиги 53 гектар суғориладиган ерга, 770 гектар яйловга эга. Қорамоллар сони 177 бошга етди. Яйловда 276 бош қўй-кўзи боқилмоқда. Хўжаликда турли русумдаги 3 та техника мавжуд.

Бу йил фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 48 центнерни, дон ҳосилдорлиги 97 центнерни ташкил этди. Ҳар бир бош соғин сигирдан йилига 4450 литр сут соғиб олинаётганлиги ғоят қувончлидир. Иқтисодий кўрсаткичлар ортида, шубҳасиз, моддий манфаатдорлик, даромад ётади. 54 кишидан иборат хўжалик аъзоларининг ўртача иш ҳақи 60-65 минг сўмни ташкил этаётганлиги бежиз эмас. Бу йил қарийб 22 миллион сўм соф фойда кўриш кўзда тутилмоқда.

Фермер қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашни асл мақсадига айлантирган. Хўжаликда Россия-Германия ускуналари билан жиҳозланган сутни қайта ишлаш кичик заводи ишлаб турибди.

— Ҳаётдан завқланиб, из қолдириб, рози бўлиб яшашга нима етсин. Шукрки, оилаларимиз тинч. Йилда тўй-томошалар қилаяпмиз, — дейди Ёқуб Фаттоев мамнуният билан. — Юртимизда ҳалол меҳнат қилиб, яхши яшаш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Бу ёғи ўзимизнинг меҳнатимиз, саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ. Осмони мусаффо, тупроғи зар, халқи меҳнаткаш, раҳбари одил юртда яшаш, гўзаллик яратиш, бунёдкорлик кўрсатиш насиб қилганининг ўзи юксак бахт.

Валижон ЮСУПОВ, "Инсон ва қонун" мухбири

Taassuf

ҚОНУН – ҲИМОЯ, ШАРТНОМА – МАЖБУРИЯТ

Мамлакатимизда мулкни хусусийлаштириш, уни ҳақиқий эгасига топшириш жараёни жадал кечмоқда. Биз янгича иқтисодий муносабатларга ўтар эканмиз, бу ҳол муқаррардир. Шу сабабли уни ҳуқуқий жиҳатдан асослаш учун қатор қонунлар ва Президентимизнинг Фармонлари қабул қилиниб, ҳаётга тадбиқ қилинмоқда. Давлатимиз томонидан қабул қилинган бу қонун ва фармонлар эзгу ният ва яхши кунлар умиди билан меҳнат қилаётган деҳқоннинг ҳаётида кескин бурилиш ясади.

ушбу мезондан четга чиқиш ҳамиша қимматга тушади

Аниқроқ айтганда, деҳқон амалга ошираётган ишлар давлатимиз томонидан ҳуқуқий ҳимояга олинди. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодий қудратини ривожлантириш ва унинг ишонч билан ҳаракат қилишига замин яратди. Бир сўз билан айтганда, деҳқон ҳақиқий маънода ер эгасига, ўзи яратаётган бойликнинг ҳақиқий эгаси айланди. Бугун Самарқанд вилоятида 9,5 мингдан зиёд мустақил хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатмоқда.

Аммо ҳар қандай ҳаракат, янгилик силлиқ ривожланмагани каби айрим фермер хўжаликлари фаолияти таҳлил этилганида ер муносабатлари билан боғлиқ жиддий нуқсон ва камчиликлар ҳам мавжуд эканлиги ойдин бўлиб қолмоқда. Бунга ернинг қадрига етмаётган, ундан фақат ўз манфаатини кўзлаб, шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ниятида бўлган айрим фермер хўжалиги раҳбарларининг "Даврингкелди, сур бегим" қабилида иш тутишининг яққол далилдир. Агар шундай йўл тутилмаганида Пайариқ туманидаги "Ғужумсой", "Очабулоқ А", Булунғур туманидаги "Зиёдулло", Пастдарғом туманида фаолият юритган "Бобуршоҳ" фермер хўжаликлари аллақачон бошқа фермер хўжаликлари каби ривож топиб, мамлакат иқтисодиётининг юксалиши, халқ турмуш фаровонлигининг ўсишига ҳисса қўшаётган бўлар эди.



Суд амалиёти таҳлилларидан кўринишича, бундай салбий ҳолатларнинг пайдо бўлишининг бош сабаби фермер хўжалиги раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги, аксарият ҳолларда эса улар ўз вазифа ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлигини билмаслиги, боқимандалик кайфиятидан қутула олмаётгани ва аксинча, уларда хусусий мулкка нисбатан муносабат, мулкчилик ҳисси қийинчилик билан шаклланаётганини кўрсатди.

Вилоят хўжалик судига Пайариқ туманидаги "Очабулоқ А" фермер хўжалиги даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда Пайариқ туман ҳокимининг "Ерни ҳокимлик ихтиёрига топшириш тўғрисида"ги №224-қ сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Шунингдек, туман ҳокимлиги ҳам қарши даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, унда "Очабулоқ А" фермер хўжалиги билан тузилган ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилишни сўраган. Маълум бўлишича, Пайариқ туман ҳокимининг 2003 йил 14 февралдаги қарори билан "Очабулоқ А" фермер хўжалиги рўйхатга олинган ҳамда "Деҳқонобод" ширкат хўжалигининг 390.399.375 контурларидан 27 гектар ер майдонини 50 йил муддатга ижарага бериш тўғрисида ер ижараси шартномаси тузилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Taassuf

ҚОНУН – ҲИМОЯ, ШАРТНОМА – МАЖБУРИЯТ

ушбу мезондан четга чиқиш ҳамиша қимматга тушади

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ер майдони фермер хўжалигига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, пахта етиштириш мақсадида берилган бўлиб, туман ҳокимининг 2003 йил 2 сентябрдаги қарори билан фермер хўжалигининг 27 гектар ер майдонига пахта экиш лозимлиги белгиланган. Аммо "Очабулоқ А" фермер хўжалиги мазкур шартномавий мажбуриятларни бажармасдан, ердан фойдаланиш қоидаларини бузган ҳолда хўжасизликка йўл қўйиб, 27 гектар ер майдонининг 6,4 гектар ерини қаровсиз ҳолда ўз ҳолига ташлаб қўйган, 3 гектар жойга ўз эҳтиёжи учун помидор экиб, "Болтимор-Челак" қўшма корхонаси билан 90 тонна помидор етказиб бериш тўғрисида контрактация шартномасини имзолаган.

2003 йил ҳосилидан тайёрловчига 73630 килограмм помидор маҳсулоти топширган. Натижада фермер режада белгиланган 62,8 тонна ўрнига 42,8 тонна пахта топшириб, йиллик пахта режасини 62,2 фоизга бажарган, холос. Шу сабабли 2004 йилнинг 16 февралида Пайариқ туман ҳокимининг **"Ерни ҳокимлик ихтиёрига қайтариш тўғрисида"**ги №224-сонли қарори қабул қилинган. Бироқ Пайариқ туман ҳокимлиги томонидан ерни ҳокимлик ихтиёрига қайтариб олишда айрим қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, 2004 йил 16 февралдаги Пайариқ туман ҳокимининг №224-сонли қарорига "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган "Очабулоқ А" фермер хўжалигининг 2004 йил 5 январдаги **"Фермер хўжалигига тегишли бўлган ер майдонини туман ҳокимлиги ихтиёрига қайтариш ҳамда фермер хўжалигининг ширкат хўжалиги билан узоқ муддатли тузилган ер ижараси шартномасини бекор қилиш тўғрисида"**ги умумий йиғилиши ҳужжати асос бўлганлиги кўрсатилган. Лекин 2004 йил 5 январда ер майдонини ҳокимлик ихтиёрига қайтариш тўғрисида фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилмаган ва бу ҳақда қарор ҳам қабул қилинмаган. Суд мажлисида маълум бўлишича, фермер хўжалиги аъзолари ва фермер хўжалиги раисининг ер майдонини ихтиёрий равишда туман ҳокимлиги ҳисобига ўтказиш тўғрисида розилиги бўлмаган. Фермер хўжалигининг аъзолари ва гувоҳларнинг берган кўрсатмаларига қараганда, ерни ҳокимлик ихтиёрига қайтариш тўғрисида фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиш қарори ҳокимлик томонидан тайёрланган бўлиб, ушбу қарорга фермер хўжалиги раисига мажбуран имзо қўйдириб олинган.

Ваҳоланки, Фуқаролик кодексининг 12-моддасига кўра, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идорасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши белгиланган. Суд юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, туман ҳокимининг қарорини фермер хўжалигининг фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжат деб баҳолади.

Вилоят хўжалик суди Пайариқ туман ҳокимлигининг қарши даъво аризаси бўйича Олий хўжалик суди Пленумининг 2004 йил 4 мартдаги **"Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш, ердан фойдаланишда, суистеъмолчиликнинг олдини олишда хўжалик судларининг ролини ошириш тўғрисида"**ги қарорининг 5-бандида ширкат хўжалиги тугатилган ҳолларда туман ҳокимликлари даъвогар сифатида қатнашиши мумкинлиги белгиланган. "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги тугатилгач, ер ижараси билан боғлиқ барча ҳуқуқий ҳаракатларни олиб бориш вазифаси Пайариқ туман ҳокимлигига ўтган.

Шу тариқа "Очабулоқ А" фермер хўжалигининг шартномавий мажбуриятларини бажармаганлиги, ердан фойдаланишда мавжуд қонунбузилиш ҳолларига йўл қўйганлиги, давлатга пахта топшириш режасини тўла адо этмаганлиги ер ижараси шартномасини бекор бўлишига олиб келди.

Мамлакатимизда асосий ишлаб чиқарувчи куч деб қаралаётган фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган имкониятлардан етарли фойдалана олмасдан ерларнинг қаровсиз ҳолда ташлаб қўйилиши, умуман айтганда, ердан фойдаланишдаги қонунбузилиш ҳоллари — бу албатта, қишлоқ хўжалиги соҳасини тараққий эттиришга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Улуғмурод ЭРНАЗАРОВ,
ҳуқуқшунос

Muloqot

ҚОНУН ҲАЛОЛ МЕҲНАТИНГИЗНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Мен тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлигим боис, амалдаги қонунларни доим ўқиб-ўрганиб боришга ҳаракат қиламан. Шу маънода қуйидаги саволларимга жавоб беришингизни илтимос қиламан. Айтинг-чи, янги таҳрирда қабул қилинган "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонун эски таҳрирдаги қонундан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади? Унга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар фермерларга яна қандай енгиллик беради?

Маҳмуд ИСМОИЛОВ,
Кармана тумани

Газетхоннинг ушбу саволини ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА қуйидагича шарҳлайди:

— Эски таҳрирдаги **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги қонун 36 моддадан иборат бўлиб, кўпгина моддаларидаги тушунчалар мавҳумроқ баён этилган эди. Шу билан бирга қонунда берилган боблар, бўлимлар моддаларнинг мазмун-моҳиятига унчалик мос келмасди. Масалан, эски таҳрирдаги қонуннинг биринчи боби умумий қоидаларга бағишланган бўлиб, ундан умумий қоидаларга таллуқли бўлмаган фермер хўжалигини ташкил қилиш тартибига доир моддалар ҳам жой олганди.

Янги таҳрирдаги **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги 2004 йил 26 августда қабул қилинган қонунда эса алоҳида бўлим фермер хўжалигини ташкил этишга таллуқли тартиб-қоидаларни ўзида мужассамлаштирган моддалардан иборат. Эски таҳрирдаги қонунда бу қоида 5-моддадан 8-моддагача берилган эди. Янги таҳрирдаги қонунда эса фермер хўжалигини ташкил этишга доир қоидалар кенгроқ ёритилган. Бошқача айтганда, фермерларга тушунарли бўлиши, улар иш фаолиятини кенг йўлга қўйиши учун бир қатор имтиёзлар берилган. Жумладан, янги таҳрирдаги қонуннинг ана шу бўлимига фермер хўжалиги уставининг мазмуни деб номланган янги модда киритилиб, фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга устав мазмуни нимадан иборат эканлиги аниқ ва содда тилда баён этиб берилган.

Бундан ташқари янги таҳрирдаги қонуннинг яна бир афзаллик томонлари шундан иборатки, фермер хўжалигининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда мол-мулки ҳақидаги қоидалар алоҳида 4-бўлимда берилган. Эски таҳрирдаги қонунда бу 3-бобда берилган ва унда фақат фермер хўжалиги ҳамда унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тўхтаб ўтилган эди, холос.

Янги таҳрирдаги қонуннинг ушбу бўлимида эса янги 18-модда таҳрири берилган бўлиб, унда фермер хўжалигини юритиш учун устав фондидан қандай тартибда фойдаланиш қоидаси ўз ифодасини топган. Бу ҳам фермерларга берилган имтиёзлардан биридир.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 5-бўлимида фермер хўжалиги фаолиятини ташкил этиш ҳақида фикр юритилиб, бундай қонунларни алоҳида бўлим қилиб беришдан мақсад фермер хўжалиги фаолиятининг ҳар бир моддаларини содда, равон, халқ тушунадиган тарзда ёритиб беришдан иборатдир.

Ушбу бўлимдаги яна бир афзаллик фермер хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиш (28-модда) бўлиб, бундай модда эски таҳрирдаги қонунда ўз ифодасини топмаган эди.

Ушбу 28-моддада ҳам фермерларга ўзига хос имтиёзлар белгиланган. Яъни фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб бориш ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ идораларига белгиланган тартибда ҳисобот бериб бориши назарда тутилади.

Ҳисобот беришнинг яна бир афзаллиги турли хил ҳуқуқбузарликлар, фермер хўжалиги аъзолари, раҳбарларининг ишлаш жараёнлари қандай йўлга қўйилгани, уларга четдан тазйиқ бўлаяптими ёки йўқми, шуларни аниқлаштиришда ҳам ёрдам беради.

Қонуннинг 6-бўлимида якунловчи қоидалар ўз ифодасини топган бўлиб, унда эски қонундаги айни шу боб, бўлимдан фарқли ўлароқ, бир қатор рағбатлантирувчи меъёрлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, ушбу бўлимдаги 35 ва 36-моддаларда жавобгарлик масаласи тўлиқ берилган. Яъни 35-моддада фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик масаласи қуйидагича белгиланган: **"фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан, тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш бўйича, шунингдек, моддий-техника ресурслари етказиб берилганлиги ва хизматлар кўрсатганлиги учун ўз вақтида ҳақ тўлаш бўйича қонунларга мувофиқ ундирувга қаратилиши мумкин бўлган ўз мол-мулки билан жавоб беради.**

Фермер хўжалигининг бошлиғи фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидар жавобгар бўлади.

Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади".

Дарҳақиқат, ушбу моддадаги имтиёзлардан бири бу фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича жавобгарликлари аниқ кўрсатиб берилганидир.

Эски қонунда эса фақат мол-мулки билан жавоб бериш ҳолати назарда тутилган эди.

Хулоса ўрнида айтганда, қонунларимизнинг мазмунли, ҳар томонлама мукаммал бўлиши фермерларнинг эркин фаолият юритишига ҳуқуқий асос яратибгина қолмай, ҳаётимизнинг фаровон бўлишини ҳам кафолатлайди.

Ajab savdolar

ПАЙСАЛГА СОЛИНГАН КРЕДИТ

Мамлакатимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит яратилган. Шу боис ҳам кўпгина юртдошларимиз яратилган ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўзларининг яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳиятини юзага чиқармоқда. Бунга бугунги ҳаётимиздан юзлаб мисоллар келтириш мумкин.

Бироқ ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар йўлида баъзи бир суғиш тўсиқ қўйиш ҳоллари ҳам учрайди.

Қуйида ана шу ҳақда фикр юритамиз.

Бахмал тумани чорвачиликка жуда қулай ҳудуд саналади. Унинг адоғи кўринмас яйлов, қир-адирларида қўй-қўзиларни яйратиб боқиш, кўпайтириш имконияти мавжуд. Тумандаги "Абдуллажон Султонов" фермер хўжалиги раҳбари Комил Адамов ҳам ана шу мақсадда "Халқ банки"нинг Жиззах вилоят бўлимига 10 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағи беришларини сўраб мурожаат қилади. Ўз навбатида вилоят банки мутасаддилари "Халқ банки"нинг Бахмал тумани филиалига бу ишни амалга ошириш тўғрисида кўрсатма беришади. Шундан сўнг тадбиркор К.Адамов туман филиалида ҳисоб рақами очиб, кредит маблағи олиш учун тегишли ҳужжатларни тақдим қилади.

Афсуски, "Халқ банки" вилоят бўлими кредит бўлими бошлиғи С.Саидов ва Бахмал тумани филиали кредит бўлими бошлиғи Э.Маллаев **"Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида"**ги Низом, Республика Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида рўйхатга олинган йўриқномалар талабларига зид иш тутишади. Яъни Комил Адамовдан фермер хўжалигининг туман деҳқон-фермерлар уюшмасига аъзолиги ва аъзолик бадалларини тўлаб борганлиги тўғрисида маълумотнома олиб келишни талаб қилишади. Аслида бу маълумотнома ортиқча бўлиб, ҳеч кимга керак эмас эди.

Қизиқ томони шундаки, тадбиркорлар сўралган маълумотномаларни банк мутасаддиларига келтириб бергандан сўнг ҳам ишда бирон-бир силжиш бўлмайди. Аниқроқ айтганда, кредит ажратиш учун талаб қилинган барча ҳужжатларни қабул қилиб олгач, банк ходимлари белгиланган муддатда кредит маблағи ажратиш ҳақидаги талабномани "Халқ банки"нинг Республика бошқармаси ҳамда Республика деҳқон-фермерларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига тақдим этишмайди. Улар томонидан талабнома кечиктириб тақдим қилинган пайтда эса ишнинг хоми бор эди. Гап шундаки, кредит талабномаси юридик шахслар ва жисмоний шахслар учун бошқа-бошқа варақада тўлдирилади. Фермер хўжалиги қонунларда қайд этилганидек, юридик шахс. Аммо банк ходимлари мазкур фермер хўжалигига кредит талабномасини жисмоний шахсларга доир варақада тўлдиришади. Қарабсизки, хато ёзилган ҳужжат фермер хўжалигининг кредит маблағи олишини кечиктириб юборади.

Аммо "Халқ банки"нинг Бахмал тумани филиали кредит бўлими бошлиғи З.Маллаев юридик шахс билан жисмоний шахсга доир кредит талабномаси варақасининг фарқига бормаслигига кишининг ишонгиси келмайди. Бунинг устига, хўп, З.Маллаев билиб-билмай хато қилган бўлса, уни тушуниш мумкин. Бироқ вилоят "Халқ банки"нинг кредит бўлими бошлиғи С.Саидов нега бу хатони дарҳол тузатиш чорасини кўрмади? Бу билиб-билмай йўл қўйилган хатоми ёки унинг замирида бошқа гап борми?

Ана шу воқеадан сўнг яхши ниятда кредит оламан, тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўяман, деган Комил Адамовнинг қандай қўйга тушганини тасаввур қилиш қийин эмас. У "Бахмал-Жиззах", "Жиззах-Тошкент" йўналиши бўйича кредит маблағи ундириш мақсадида қатнай бошлайди.

Аммо у қанчалик ҳаракат қилмасин, бирон-бир натижа чиқмайди. Шундан сўнг К.Адамов ёрдам сўраб, Адлия вазирлигига мурожаат қилади.

Фермер хўжалиги раҳбарининг ёзма мурожаатини ўрганиб чиққан Жиззах вилояти адлия бошқармаси ходимлари К. Адамов беҳуда овора қилинган ва унга катта миқдорда моддий ва маънавий зарар етказилган, деган тўхтамга келишди. Шундан сўнг адлия бошқармаси фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига "Халқ банки"нинг вилоят бўлими кредит бўлими бошлиғи С.Саидов ва Бахмал тумани филиали кредит бўлими бошлиғи Э.Маллаев ҳисобидан тадбиркор К.Адамовга етказилган 152 минг сўм моддий ва 1 миллион сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида даъво ариза киритди.

Буёғини сўрасангиз, даъво аризаси киритилгандан сўнг қизиқ воқеа рўй берди. Яъни жавобгарлар — "Халқ банки" ходимлари шошилинч равишда ҳаракатга тушиб қолишди. Улар "Абдуллажон Султонов" фермер хўжалигига 10 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағи беришди. Албатта, бу билан К. Адамовнинг ташвишлари камайгани рост. Лекин тадбиркорга нисбатан адолатсизлик қилинганини, энг ёмони, моддий ва маънавий зарар етказилганидан кўз юмиб бўлмайди.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, рўй бериб ўтган бу воқеаларга қонуний баҳо берилиши шарт.

Носир МАЖИДОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Luqma

Хонқа туманидаги "Янги ҳаёт" ширкат хўжалиги бош иқтисодчиси Жуманазар Оллоёровдан буғдой етиштириш юзасидан ўтган мавсум учун тузилган ички хўжалик шартномалари қандай бажарилганлиги ҳақида маълумот беришни сўраганимизда, хўжалик "ёшуллиси" Боғибек Жуманиёзовдан рухсат бўлсагина бизнинг саволимизга жавоб бера олишини маълум қилди. Маълумот учун авваламбор, раисни ахтариб топишимиз зарурлигини уқдирди. Хайриятки, бош иқтисодчининг хонасига тасодифан кириб қолган хўжалик раҳбарининг муовини жонимизга оро кирди. У матбуот вакилининг қонуний сўровини рад этмасликни тушунтиргач, бош ҳисобчи истар-истамас рози бўлди.

ҲИСОБЧИНИНГ "ҲИЙЛАСИ"

Бош иқтисодчининг бизга сўралган ҳужжатларни кўрсатишдан бироз истиҳола қилганинг сабаби кейин аён бўлди. Мониторинг дафтари ҳисобчининг "ҳийласи" замирида қандай сир яширинганини ошкор этиб қўйди. Унга битилган рақамлар 2004 йил хўжаликда буғдой етиштириш режаси базўр 95 фоизга етганини кундай равшан кўрсатиб турарди.

Хўжаликда деҳқончилик қилинадиган экин майдонларининг ҳосилдорлик даражаси бир хил эканлиги ва ҳамма далалар бирдай миқдорда ғалла бера олишини ҳеч ким кафолатлай олмайди. Негаки, унумдор пайкаллар билан бир қаторда шўрланган, тупроғи қаттиқ, мелиоратив ҳолати бузилган ва қумлоқ майдонлар ҳам анчагина. Аммо шундай бўлса-да, ўтган йили буғдой етиштириш бўйича тузилган ички хўжалик шартномаларининг ҳаммасида пудратчилар (улар 34 нафар) зиммасига бир хил, яъни гектарига 45 центнер ҳосил топшириш мажбурияти юклатилган. Натижада "ёшулли"лар олдида 9 нафар пудратчининг юзи шувит бўлиб қолган. Ушбу «ҳийла» туфайли хўжалик бир неча ўн тонна ғалла ҳосилини режадагидан кам етиштирган. Ким билади, эҳтимол, айб деҳқоннинг ўзидадир-у, "ёшулли"ларни беҳуда айблаётгандирмиз? Кўнгилда пайдо бўлган ана шу истиҳола боис, ерни пудратчиларга топшириш бўйича тузилган айрим далолатномаларни варақладик. Ажабо, танишиб чиқилган 6 та далолатноманинг 4 тасида ернинг ҳосилдорлик кўрсаткичи қайд этилмаган. Ернинг бонитет баҳосига оид маълумотлар пудратчилар билан тузилган шартномаларда ҳам, хўжалик мониторинг дафтарида ҳам учрамади. Кўздан кечирилган иккита далолатномага битилган рақамларнинг маъзини эса ҳатто хўжалик раҳбарларининг ўзи ҳам чақишолмаса керак. Бундай дейишимизга асос бор. Чунки белгиланган қоидага кўра, ҳар битта бонитет бали ҳисобига гектарига 0,60 центнер ҳосил олиниши лозим. Пудратчи Омон Давлатовга биркитилган 12,9 гектар майдоннинг ҳосилдорлик кўрсаткичи ўртача 90 баллдан иборат. Белгиланган меъёрга кўра, унинг далалари гектарига камида 54 центнер ғалла бермоғи даркор. Бироқ шартномага биноан, унинг зиммасига ҳар гектаридан 45 центнер ҳосил топшириш мажбурияти юклатилган. Пудратчи эса энг юқори ҳосилдорлик кўрсаткичига эга бўлган ушбу далаларнинг ҳар гектаридан бор-йўғи 33,4 центнер ғалла топширган, холос. Пудратчи Икром Отажоновнинг зиммасига эса деярли уддаланмас мажбурият юклатилибди. Унга қарашли 9 гектар майдоннинг ҳар гектари 24 центнердангина ҳосил бериши мумкин. Нега деганда, унга биркитилган майдонларнинг бонитет баҳоси ўртача 40 баллни ташкил этади. Шундай экан, у гектарига 45 центнер хирмон кўтариш топширғиғини қандай бажарсин? Ҳаркалай пудратчи чакки ишламади. Гарчи режани атиги 55 фоизга уддаласа-да, хўжалик омборига ҳар гектар майдон ҳисобига 29,7 центнер ҳосил келтиришга эришди. Пудратчи Майсара Раҳимованинг даласи ҳам "қизғанчиқ" чиқди. Унинг "ёшулли"лари ҳарчанд уринишса-да, ҳосилдорлик даражасини "аниқлаша" олмаган. 10,5 гектарлик даласи гектарига 45 ўрнига аранг 31 центнер буғдой берди.

Бундай қараганда, "Янги ҳаёт"да ён дафтаримизга қайд этган рақамлар тумандаги "Хоразм" ширкат хўжалигида кўриб эшитганларимиз олдида бир "ҳолва" бўлиб чиқди. Ушбу мавсум мазкур хўжаликда ғалла етиштирган Икром Матниёзов, Муҳаммад Саидов, Отаназар Жалоловлар ҳар гектар даладан 58-64 центнер ҳажмида буғдой етказиб берган бир маҳалда пудратчи Тоҳир Саидов 4,7 гектар ернинг ҳар гектари ҳосилига бор-йўғи 8 центнер, Бозор Абдуллаев 1 гектар ердан 5, Зуҳра Бекчонова эса 2,3 гектар ернинг ҳар гектаридан 4 центнер ҳосил етиштиришибди. Бу суғориладиган майдонларга сарфланган меҳнату уруғни ҳам қоплаймайди.

Бу фикрларни баён этишдан мақсад — енг ичида қилинган бу хуфя ишлар ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди.

Шу маънода мутасаддилар бу ҳолга ўз муносабатларини билдиради, деган умиддамиз.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ЖАРАЁН ВА ЖАВОБГАРЛИК

Бугун мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир — икки палатали парламентга сайловларга қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шу ўринда мен ўзимни қизиқтирган бир савол билан мурожаат қилишни лозим топдим. Сайлов қонун-қоидаларини бузиш ёки сайлов жараёнида бирор-бир ғайриқонуний ҳаракат содир этиш жиноят саналадими? Агар бундай ҳаракат жиноят саналса, унга нисбатан қонунларда қандай жазо белгиланган? Шу ҳақда батафсил маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Ражаб ШАРИПОВ,
Шаҳрисабз тумани

Бу саволга Адҳам ОДИНАЕВ шундай жавоб беради:

— Аввало шуни айтиш керакки, Жиноят кодексининг 14-моддасига кўра, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. **"Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш"** (ЖКнинг 146-моддаси) жиноятининг объекти, яъни Жиноят кодекси 146-моддаси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабат — ***фуқароларнинг эркин овоз бериш ҳуқуқи, сайлов ёки референдумларни ташкил этиш, ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш*** ҳисобланади. Мазкур объектларга зарар етказиш йўллари жиноятнинг объектив томонини ташкил этади ва улар:

1) овоз беришнинг яширинлигини бузиш, яъни ўзга "манфаатдор" шахслар томонидан овоз бериш ҳоналарининг атайлаб жиҳозланмаганлиги ва уларга бегона шахсларнинг кира олиши;

2) сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш;

3) сайлов ёки имзо ёзувларига сохта ёзувларни киритиш;

4) сайлов ёки референдум вақтида берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблашдан иборатдир.

Бу ҳаракатлар сайлов ёки референдум ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнида иштирок этувчи мансабдор шахс, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар, сайлов комиссиялари ёхуд референдум комиссияларининг аъзолари томонидан содир этилиши мумкин.

Жиноят кодексининг 147-моддасида эса ***инсоннинг сайлаш ёки сайланиш, сайловолди ташвиқотини олиб бориш, референдум ўтказишда иштирок этиш*** каби конституциявий ҳуқуқлари ўз ифодасини топган.

Объектив томондан жиноят зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, ўзига оғдириб олиш ёки алдаш йўли билан фуқароларнинг ўз сайлаш ҳуқуқларини эркин амалга оширишга тўсқинлик қилиш ёки депутатликка ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини амалга оширишда тўсқинлик қилишда ифодаланади.

Иккала моддада кўрсатилган жиноят ҳам субъектив томондан қасддан содир этилади.

Юқорида кўриб ўтилган жиноятларни содир этган шахснинг ижтимоий мавқеи жиноятининг шахсиятини ифодаловчи асосий ижтимоий-демографик омиллардан биридир. Бу ерда шахснинг ижтимоий мавқеи, турмуш тарзи, мулоқот доираси, манфаати, мақсади, одати ва бошқа хислатлари катта аҳамиятга эга. Жиноят кодексининг 147-моддасида кўрсатилган жиноят бевосита мансабдор шахслар томонидан содир этилса, бу қилмиш Жиноят кодексининг 205-моддаси (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш) ёхуд Жиноят кодексининг 207-моддаси (ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқиш) ҳисобланиб, тегишли жиноятларнинг жами бўйича квалификация қилинади.

Saboq

ҚАРЗНИ ТЎЛАШ – ФАРЗ

Агар кузатиб бораётган бўлсангиз, кейинги вақтда иқтисодий ночор хўжалик ёки корхоналар тўғрисидаги гап қулоққа камдан-кам чалинадиган бўлиб қолди. Албатта, бу ҳол уларнинг сони кескин камайиб бораётгани билан изоҳланади.

Шу ўринда бизни қизиқтирган бошқа бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Яъни айрим хўжалик ва корхона раҳбарлари ишга ҳалиҳануз ўзибўларчилик, эътиборсизлик билан қараётгани умумий ишнинг илгари силжишига таъсир қилмай қолмайди.

Энг ёмони, айрим мутасаддилар томонидан ҳисоб рақамида маблағ бўла туриб, хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ҳисоб-китоб қилишни йиллаб пайсалга солаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

"Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним" деб шунга айтадиларми? Албатта, бундай хатти-ҳаракат билан қарз камайиб қолмайди, балки борган сари катталашиб бораверади...

"Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ ва Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, "Султонобод" ширкат хўжалиги ўртасида 2000 йил 4 апрелда 130080-сонли шартнома тузилган эди. Унга кўра, акциядорлик жамияти электр энергияси етказиб беришни, хўжалик эса бунинг учун ўз вақтида ҳисобкитоб қилиб, ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

"Олдингдан оққан сувни қадри йўқ" деганларидай, истеъмолчи мутасаддилар шартномани тузишга тузиб, электр энергиясидан баҳраманд бўлса-да, ҳақини тўлашни хаёлларига ҳам келтиришмади.

Бу ёқда электр тармоқлари идораси ходимлари хўжаликка қатнайверириб, чарчашди. Ҳар сафар биргина жавобни такрорлашади, яъни ҳосилни йиғиштириб олгач, қарзни тўлашармиш.

Орадан тўрт йилдан кўпроқ вақт ўтибдики, истеъмолчи хўжалик мутасаддилари ўша сийқаси чиққан жавобдан амалий ишга ўтгани йўқ.

Сиз эҳтимол, ширкат хўжалиги иқтисодий жиҳатдан анча қийналиб қолгани учун электр энергияси ҳақини тўлай олмаётгандир-да, деб ўйлаётган бўлсангиз, янглишасиз.

Нега деганда, "Султонобод" ширкат хўжалиги нафақат Оққўрғон туманида, балки Тошкент вилоятида ҳам иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлардан бири ҳисобланади. Шундай экан, ўз-ўзидан бу сансалорликнинг сабаби нимада экан, деган савол туғилади. Жавоби эса жуда жўн ва оддий: ўзибўларчилик.

Бироқ қонун барча учун баробар. Жумладан, шартноманинг ўзи қонуний ҳужжат ҳисобланади. Уни шартларини бузган томон қонун олдида жавоб беради.

Қисқаси, "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ манфаатларини кўзлаб, Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан вилоят хўжалик судига киритилган даъво аризаси 2004 йил 19 октябрда кўриб чиқилди.

"Султонобод" ширкат хўжалигидан даъвогар "Тошкент электр тармоқлари" корхонаси фойдасига асосий қарз — 5.822.425 сўм суд қарори билан ундириладиган бўлди.

Қолаверса, шу йилнинг ўзида "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ манфаатларини кўзлаб, вилоят хўжалик судига жами 68.968.629 сўмлик 20 та даъво аризалари киритилиб, улар тўлиқ қаноатлантирилган.

Электр энергиясиз ҳаётимизни бир дақиқа ҳам тасаввур этолмаймиз. Шундай экан, унинг ҳақини ўз вақтида тўлашни асло унутмаслигимиз лозим. Шундагина уйимизни ёритиб турган чироқ ҳеч қачон ўчмайди.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Tahrirsiz maktub

УНМАЁТГАН ҲАҚ

Мен ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаман: "Тоҳир" хусусий кичик корхонасини ташкил этиб, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажара бошладим.

Ўтган давр ичида хусусий корхонамиз ишлари юришиб кетди. Катта-катта буюртмаларни бажариб, халқ ичида обрў-эътибор қозондик. 2001 йилда хусусий корхонамиз Хонобод шаҳрида шошилинч тез тиббий ёрдам шаҳобчаси биносини қурадиган бўлди. Биз қўли гул қурувчилар қўмагида бу буюртмани тез кунда сифатли қилиб бажардик.

Ўртада тузилган шартномага кўра бино қурилишида 13 миллион 795 минг сўмлик қайта таъмирлаш ишларини бажардик. Қайта-қайта ўлчов ва текширишлардан сўнг бажарган ишимиз ўз тасдиғини топса-да, мен узоқ вақт Хонобод шаҳар ҳокимлиги ва унинг таъсарруфига қарайдиган марказий шифохонадан ҳақимни ололмай юрдим.

Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан хусусий корхонамиз манфаатлари ҳимоя қилиниб, киритилган даъво аризага кўра вилоят хўжалик суди 2003 йил декабр ойида ҳал қилув қарори қабул қилди. Ушбу қарорга биноан мен устама ҳақлар билан 16 миллион 795 минг сўм қарздор деб топилдим. Суд қарорида қарз Хонобод шаҳар ҳокимлигидан ундирилиши аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган эди.

Аммо узоқ вақт қарор ижро этилмади, ҳақ унмади. Бу ҳақда "Инсон ва қонун" газетасининг 2003 йил 28 октябр, 2004 йил 20 апрел, 11 май сонларида учта мақола эълон қилинди. Шундан сўнг менга 5 миллион сўм маблағ ажратилди. Ва бу маблағ тўппа-тўғри қарзлар учун солиқ инспекцияси ҳисобига ўтказилди. Бу орада мен ёлланма ишчилар, усталар учун айрим таниш-билишлардан қарз олиб, иш ҳақи бериб юборган эдим. Кейин улар бу қарзни қистаб кела бошлашди. Нима қилишни билмай бошим қотиб қолди.

Бу орада Хонобод шаҳрининг собиқ ҳокими Мақсум Мусаевга суд қарорини бажармаганлиги учун жиноий иш ҳам қўзғатилди.

Менинг эса ҳақимни ундириш йўлидаги "қурашларим", сарсон-саргардонликларим давом этмоқда. Афсуски, менинг қолган 11 миллион 795 минг сўм ҳақим унмаяпти.

Хонобод шаҳар суд ижрочилар бўлинмаси ижро варақалари чиқарган, ижро ҳужжатлари мавжуд, юқори идораларга илтимоснома хатлар ҳам ёзган. Хуллас, барча мутасадди идоралар ўз "вазифа"ларини бажариб қўйишган. Лекин менинг 11 миллион 795 минг сўм ҳақим унмаяпти. Бу борада мутасаддиларнинг эътиборини яна бир марта ушбу муаммони ҳал этишга қаратиб, амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

Муроджон ЖЎРАБОЕВ,
Хонобод шаҳар
"Тоҳир" хусусий
кичик корхона раҳбари

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Huquqiy ma`rifat

(Давоми. Боши биринчи бетда)

биринчидан, сайловларни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар, шу жумладан, сайлов жараёнларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши бўйича йўриқномалар чиқаради;

иккинчидан, сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг кузатувчилари, халқаро кузатувчилар қаторида матбуот, телевидение, радио вакилларига мўлжалланган мандат намунасини белгилайди;

учинчидан, сайлов ва референдумнинг якунини чиқаради, умуман, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз бериш натижаларини аниқлайди ва сайловчилар сони ёки референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, овоз беришда иштирок этган фуқаролар сони тўғрисидаги, ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги, референдумга қўйилган саволни ёқлаб ёки унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги ахборотни матбуотда эълон қилади;

тўртинчидан, сайланган депутатлар рўйхатини эълон қилади.

Марказий сайлов комиссияси билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар бундан бошқа ҳолатларда ҳам кузатилади. 2004 йил 17 июль куни Марказий сайлов комиссияси қарори билан **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури"** тасдиқланди. Уч босқичдан иборат ушбу дастурда оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ бир қатор чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

Шунингдек, журналистлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида ва сайлов комиссияси томонидан ташкил этиладиган бошқа тадбирларда иштирок этиши мумкин.

Айни пайтда мамлакатимизда қизғин паллага кирган сайлов кампаниясининг муҳим тадбири – сайлов кампанияси очиқ ва ошкора, айни чоғда, амалдаги қонунчилик доирасида ўтказилиши учун зарур ҳуқуқий асослар ва ташкилий шарт-шароит муҳайё. Марказий сайлов комиссияси ўзининг 2004 йил 18 сентябрдаги қарори билан **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомни** тасдиқлади.

Яқинда, яъни 8 ноябрда қабул қилинган қарорида Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг барча давлат оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари алифбо бўйича амалга оширилиши ҳақида тўхтамга келди. Қарорга биноан сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг маҳаллий органлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида чиқишлари навбати ҳам улар ташвиқот олиб бораётган ҳудудда маҳаллий давлат телеведениеси, радиоси ва даврий матбуот нашрларида алифбо тартибида амалга оширилади. Бу тартиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, мамлакатимиз ҳудудидаги барча оммавий ахборот воситаларига нисбатан жорий этилади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар, Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг сайловолди кампанияси даврида эфирга чиқишлари бўйича ҳафталик жадвални, шунингдек, уларнинг сайловолди ташвиқоти материаллари учун ажратиладиган босма майдони ва нашр қилиш жадвали ҳам тасдиқланди.

Албатта, номи зикр этилган Низом ва эслатиб ўтилган қарорлар сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилик, хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун талаблари ҳамда Ўзбекистон халқаро шартномаларда зиммасига олган мажбуриятлари доирасида қабул қилинган ва бу жуда муҳим омилдир.

Зеро, Президентимиз Ислом Каримовнинг **"Адолат — қонун устуворлигида"** деган пурмаъно сўзлари келажаги буюк давлат барпо этишга бел боғлаган жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини айнан қонунлар доирасида фаолият юритишга, қонунга қатъий амал қилиб яшашга даъват этади.

Ғулом МИРЗО

Bugunning gapi

НОМЗОДНИНГ МАРТАБАСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Баъзан телевизор орқали айрим хорижий давлатлар парламентидаги даҳанаки жангларни, ҳатто ростакамига муштлашувларни кўриб қоламиз. Муросага кела олмай, энг охирги чора сифатида тилини, қўлларини ишга солиб юборган бу каби депутатлар сиёсий маданиятнинг кўчасидан ҳам ўтмаганига амин бўласиз. Шунда беихтиёр сиёсат билан аҳлоқ-одоб орасида қанчалик боғлиқлик бор, зарур вазиятда ҳар қандай йўл билан ўз ҳукмини ўтказиши ўринлими, деган саволлар туғилади. Сиёсатни ҳеч қачон аҳлоқ-одоб мезонларидан ажратиб бўлмаганидек, номзоднинг сайловолди кампаниялари пайтидаги сўзамоллиги, асоси йўқ ваъдалар бериши, демагоглигини ҳам унинг "дастури" сифатида қабул қилиб бўлмайди.

Халқ ўзи сийлаганни сайлайди. Халқнинг сийловига эришадиган номзоднинг энг катта фазилати сайловчилар ишончини оқлашга нечоғли асослари, имкони борлигини рўй-рост далиллаб бера олишида. Бу, таъбир жоиз бўлса, номзоднинг мартабасидир.

Шу кунларда мамлакатимизда сайловга тайёргарлик қизғин кечаётир. Хўш, сайловчиларнинг сиёсий онги, маданий савияси қандай, деган савол ҳам туғилиши табиий.

Сир эмас, орамизда сайлов борасида ўта умумий тасаввурда юрганлар ҳам бор. Номзоднинг кимлиги, касб-коридан бехабар сайловчининг овозидан жамиятга қандай наф етиши мумкин? Бундай ҳолатлар сайловолди кампаниясида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришни тақозо этади. Зеро, ўз моҳиятига кўра муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этадиган сайловларда халқ ўз сайлаш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширади. Бир сўз билан айтганда, сайловчилар ўз хоҳиш-истакларини амалга оширишга қодир бўлган вакилларни майдонга олиб чиқади. Демак, бу жараён аҳолининг сиёсий маданиятини ҳам рўй-рост намоён этади. Бу эса сайловчига жуда улкан масъулият юклаши табиий.

Биз қураётган фуқаролик жамиятини улкан бир кошонага қиёслаш мумкин. Унинг пойдеворидан томигача ҳар бир қаричи пухта ўйланиб, халқ билан бамаслаҳат, баҳамжиҳатликда қад ростлайди. Чунки бу кошонада бизнинг фарзандларимиз, келажак авлодлар ҳам яйраб яшаши лозим. Шу боис умумхалқ сайловларидай ғоят муҳим сиёсий жараёндан четда турмайлик, фаол бўлайлик. Бу бизнинг юртимиз ва унинг эртанги куни олдидаги фарзандлик бурчимиз.

Ойбек ИСОҚОВ,
Шаҳрихон шаҳри

Кузнинг сокин кунлари

Jinoyat va jazo

ФИРИБГАР

СУД ОЧЕРКИ

Омонуллани (исмлари ўзгартирилган) биринчи марта кўрган ҳар қандай одам зиёли инсон экан, деб ўйлаши табиий. Биринчидан, у дид билан кийинади, иккинчидан, муомалани жуда ўрнига қўяди. Лекин биринчи таассурот алдамчи, деган гап ҳам йўқ эмас. Гапнинг пўсткалласини айтадиган бўлсак, бу фикр Омонуллага бевосита тааллуқлидир. Чунки унинг бутун хатти-ҳаракати айни шу мақсадга — одамларнинг ишончига кириб олиш, сўнг ана шу ишончни суиистеъмол қилишга бўйсундирилган. Бир сўз билан айтганда, яхши таассурот Омонулланинг ҳақиқий башарасини яшириб турадиган ўзига хос бир ниқоб. Келинг, унинг юзидаги ниқобни олиб қўйиб, яқиндан танишайлик.

Омонулла ҳали ўрта мактабда ўқиётган пайтдаёқ жиноят кўчасига қадам қўйди ва ўн саккиз ёшида суднинг қора курсисига ўтирди. Суд унинг ёшлигини, биринчи марта судланаётганини ҳисобга олиб, уч йил муддатга шартли равишда озодликдан маҳрум этиб, мажбурий меҳнатга жалб қилди. Суд нисбатан енгил жазони тайинлар экан, уни жамиятдан ажратмасдан тузатиш мумкин, деган мақсадни кўзда тутган эди. Бироқ Омонулла қилган ишидан пушаймон бўлмади. Тузалиш йўлига ўтмади.

Ўша пайтдаёқ у одамларда яхши таассурот қолдириб, уларнинг ишончига киришнинг уддасидан чиқса, жон қойитмай яшаш мумкин экан, деган хулосага келган эди. Биринчи марта қўлга тушиб судланганда ҳам миясига чирмовуқдек ёпишиб олган қароридан қайтмади, қайтанга тасодифан қўлга тушиб қолдим, бўлмаса, пичоғим мой устида бўлар эди, деган хомхаёлга борди. Натижада фирибгарлик билан шуғулланганч учун суд томонидан тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Жазони ўтаб чиққан Омонулла яна тавба қилмади. Энди ўғирликка ҳам қўл ура бошлади. У яна қўлга тушиб суд олдида жавоб берди. Бу гал суд унга беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Тайинланган жазонинг ярмини ўтагач, у шартли равишда озодликка чиқарилди.

Омонулла қамоқхонада ўтирганда бу ердан чиқиши билан биринчи навбатда қандай иш билан шуғулланишининг режасини тузиб қўйган эди.

"АКАНГИЗДАН САЛОМ!"

У уйига келганига ўн кун бўлганидан кейин Санобар Ғафуровани қидириб топди.

— Акангиз сизга кўпдан-кўп салом айтди, — деди у салом-аликдан сўнг.

— Сиз... сиз ўшаттан келдингизми? — сўради Санобар хурсанд бўлиб.

— Ҳа, ўн кун бўлди. Келди-кетди бўлиб тургани учун дарҳол келолмадим, узр. Акангиз бир гапни тайинлаб айтиб юборган эди.

— Вой, нима гап экан?

— У қамоқдан чиқадиган бўлиб турибди. Шунга бироз пул, кийим-кечак сўраган эди. Мен уларни акангизга қандай киритиб беришнинг йўлларини биламан.

(Давоми тўртинчи бетда)

To`rtinchi hokimiyat

Баъзи кишилар эрталаб одатдагидек соат саккиздан ишга келиб, кечқурун олтида уйга қайтишни ўзига бахт деб билади. Кимдир мактабга — сабоқ бериш учун, кимдир корхонага — маҳсулот ишлаб чиқариш учун, кимдир бозорга — савдо қилиш учун, кимдир таҳририятга — мақола ёзиш, ижод қилиш учун йўл олади. Кўриниб турибдики, ҳамманинг мақсади бор.

ИШОНЧ ва ҲАЛОЛЛИК

журналистнинг энг катта имтиёзидир

Уларнинг қизиқишлари ҳам шу мақсад сари йўналтирилган. Қайси биридан сўраманг, ўқитувчи — китоб, дарслик, ўқувчиларга оид, корхона ишчиси — маҳсулотлар, моддий ҳаётга оид, савдогар — бозор ва нархга оид сиз билган-билмаган маълумотларни қалаштириб айтиб ташлайди. Лекин улар бошқа касб, машғулотни унчалик парвойига келтиришмайди. Нега? Чунки ўзининг касби ўзига етиб ортади.

Журналист-чи? Журналист нимадан гапиради? Унинг ўз касби хусусидаги қизиқишларини четроққа суриб турайлик. Шу ўринда кичик мулоҳаза: аслида журналистнинг вазифаси юқоридаги каби жамики касб эгаларининг қизиқишларига, бутун бир ҳаётга, турмушга қизиқишдан иборат эмасми? Ахир, журналист қайси соҳа ҳақида ёзмасин, унинг шу мавзудаги мақоласи муаллифнинг соҳа тўғрисидаги билимлардан хабардорлигига асосланади-ку.

Бунга мисоллар бир талай. Демак, журналистикани универсал характерга эга деб бежиз айтишмас экан-да. Шу боис ҳам, оммавий ахборот воситаларининг одамлар онгини шакллантиришдаги ўрни беқиёс каттадир.

Бизни қаламга олишга ундаган мавзу ана шундай касб эгаларининг масъулиятдан қочиб, ишлаётган баъзи бир вакиллари ҳақидадир.

Аввало айтиш керакки, мустақилликдан сўнг касбимизга бўлган эътиборнинг нечоғлик кучайганини матбуотга доир қабул қилинган бир қатор қонунлар мисолида кўриш мумкин. Бу қонунларнинг мазмуни шундан иборатки, аввало, журналистлар турли имтиёзларга эга бўлиб, доимо қонун ҳимоясида эканлиги ва шунинг баробарида касбига садоқатли бўлиши тўғрисида бонг уриб туради. "Ҳалоллик" дея чизиб қўйилган йўрикдан юриш қанчалар мураккабликлар туғдирмасин, бироқ маънан бой кишиларга бу бир олам ҳузур-ҳаловат бахш этади. Бу тушунча биламизки, ҳеч бир моддада кўрсатилмайди, аксинча, у юракка, виждонга ёзилган бўлади. Дарвоқе, журналист қонунда кўрсатилмаган имтиёзларга ҳам эгаки, бу халқнинг қалам аҳлига бўлган чексиз ҳурмат ва ишончидир. Ахир, тўртинчи ҳокимият дейилганда, журналистлар ҳокимияти эмас, балки холисликни баён этувчи эркин минбар тушунилади-ку. Шундай эмасми? Бу фикрларни бежиз келтираётганимиз йўқ. Бу шуни англатадики, журналист қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган ўз фаолияти давомида ушбу имтиёзларга хиёнат қилмасин.

Токи, "мен журналистман" деса, унга ҳурмат билан қарашсин.

Энди бемалол айтишимиз мумкин: масъулиятдан қочиб, виждондан кечиб "фаолият" юритаётган айрим журналистлар кимлар? Албатта, юқоридаги каби имтиёзларнинг қадрига етмай, таъмагирлик ботқоғидан чиқа олмаётган баъзи бир ҳамкасбларимиздир. ...Бир мухбир йигит бор эди. Вилоят мухбири деган чўғдай гувоҳномани қўлга киритган бу "шоввоз"нинг кўрсатмаган ҳунари қолмади.

Ҳали бу ташкилотга, ҳали у идорага киравериб, раҳбарларни ҳоли-жонига қўймасди. Оқибатда вилоят миқёсида мухбирликни эмас, таъмагирликни касб қилиб олган бу йигитнинг устидан бош муҳаррирга турли арзномалар келиб туша бошлади. Унинг қилмишларидан шикоят қилиб қўнғироқ қиладиганларнинг саноғига етиб бўлмай қолди. Бош муҳаррир шунда нима қилди? Мухбирнинг гувоҳномасини қайтариб олиб, ишдан бўшатди-ю, тинчгина қутулгандек бўлди.

Биз демократик жамиятда яшаяпмиз. Ҳаётимизда матбуотнинг муҳим ўрни борки, унинг жамиятни бошқаришдаги хусусиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Шундай экан, журналистнинг таъма илинжида яшаши, матбуотнинг, ОАВнинг шаънига доғ туширмайдими? Шундай бўлгач, матбуот ўзининг бошқариш хусусиятидан мосуво бўлмоқ тугул, ўзига бўлган ҳурматга ҳам нолойиқ топилмайдими?

(Давоми тўртинчи бетда)

Qilmish-qidirmish

"ҲОЖАТБАРОР" ДОМЛА

Ҳамма замонларда ҳам порахўрлик, таъмагирлик каби иллатлар қаттиқ қораланган. Бироқ бу иллатнинг бутунлай таг-томири билан қуритиш имкони бўлмаяпти. Энг ёмони шундаки, балойи нафс гирдобига тушган одам ўзини турли хил иллатларга қўл уришдан тия олмаслиги баробарида юзидаги шарм-ҳаё пардасини (агар у аввалдан бўлган бўлса) сидириб ташлайди. Биз ибрат ва огоҳлик важидан ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа гавжум бозорда ёки овлоқ гўшада эмас, балки айни маданият, ахлоқ ва одоб ходими тайёрлаб берадиган билим юрти биносида рўй берганидан ранжимасликнинг сира иложи йўқ.

Китоблик Жамбуви исмли қиз (минг истиҳола билан исмларини ўзгартирдик) ўқишга кириш ниятида Қарши маданият коллежига ҳужжатларини топшираётганда, Насиба исмли аёлга дуч келди. Ҳожатбарор Насибахон бошланғич таълим бўлимига ҳужжат топширмоқчи бўлаётганини билгач, Ихтиёр Шодмонов деган ўқитувчига, учраши лозимлигини уқтиради. Бўлажак толиба ўша куни ҳар қанча қидирса ҳам ножаткор муаллим Ихтиёр Шодмоновни тополмади. Бироқ уйига қайтса ҳам умидини узмади. Орадан икки ой ўтиб, яна коллежга келганида кўрдики, Ихтиёр Шодмонов билим юртида муҳим ишларни бажарадиган қиёфада гўё масъул ва жиддий ўтирибди. Жамбувининг назарида, айнан Ихтиёр Шодмоновгина ўқишга киритишга қодир кимсадек бўлиб туюлди. Бунинг устига домласи тушмагур ҳам тортиниб ўтирмай дангал савдога ўтди:

— Ими-жимида 150 минг сўм топиб келсангиз, ўқишга кирдим деяверинг.

— Сал камайтириб бўлмайдими?

— Энг ками шу. Ҳужжатларингизни бериб кетинг, буёғини тўғрилаб қўяман. Боя айтганни уддасидан чиқсангиз, ҳаялламай етказинг.

Унинг сўзларига астойдил ишонган қиз юз эллик минг сўмни кечиктирмай етказиб келди. Ҳеч қандай имтиҳон топширмай ўқишга кириб олганига хурсанд бўлган Жамбувининг қувончи узоққа чўзилмади. Чунки у ўзи орзу қилган бошланғич таълим бўлимига эмас, соҳа бўйича талабалар қабул режаси бажарилмай турган, бунинг устига суҳбат билан ўқишга қабул қилинаётган маданий ва маърифий ишлар ташкилотчиси бўлимига кириб қолганини англаб етганда, кеч бўлган эди. Шундан сўнг Ихтиёр Шодмонов билан унинг ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Домла сиз билан келишганимиз бўйича мен бошланғич таълим бўлимига ўқишга киришим керак эди. Сиз мени ўзим хоҳламайдиган бўлимга жойлаштирибсиз, бу бўлимга пулсиз ҳам кириш мумкин экан. Пулимни қайтариб беринг. Бу ўқишни барибир ташлаб кетаман!

— Йўқ, синглим, бунинг иложи йўқ, пул жойини топиб кетган... Шу бўлимда ўқишни давом эттираверинг, бошқа йўли бўлганда, ёрдам қиламан!

Бу суҳбат такроран давом этгач, қизгина тушундики, Ихтиёр Шодмонов коллежда оддий биология муаллими экан. У қабул бўлимида масъул эмас, бинойидай фирибгар экан. Бироқ қизнинг беҳуда кетган пулига ичи ачирди. Кейин ўйлай-ўйлай яна эски таниши ҳузурига борди:

— Домлажон, ҳеч бўлмаса, ўша пул эвазига укамни компьютер графикаси ва рассом безатувчи соҳаси сиртқи бўлимига ўқишга киритиб қўйинг.

— Майли, ҳужжатларини олиб келинг.

Қизгина қувониб кетиб, укасининг ҳужжатларини кўтариб келди-да, Ихтиёр Шодмоновга қўшқўллаб топширди. Бироқ компьютер графикаси соҳасида сиртқи бўлимнинг ўзи йўқ эди. Билгани шу бўлдики, укаси ўқишга кирмабди. Кейин яна шундай савол-жавоб бўлиб ўтди:

— Домла, укам ўқишга кирмапти-ку?

— Яна 100 минг бўлмаса, кирмайди?

— Аввал берганим бўлмайдими? Яна 100 тани қайдан топаман?

— Билмайман.

— Майли, уйдагилар билан бир маслаҳат қилиб кўрай...

Домла ҳузуридан бош эгиб чиқиб кетган қиз охири ўйлай-ўйлай жўяли хулосага келди. Виждон амрига қулоқ тутиб тегишли идорага хабар қилди. Балойи нафс учун кирпини тескари ютишга қодир бўлиб олган Ихтиёр Шодмонов ишлов берилган 100000 сўм пул билан қўлга тушиб, шармисор бўлди-қўйди.

Қиссадан ҳисса шуки, пора олиш кирпини тириклай тескари ютиш билан баробар экан, бу "номаъқулнинг нонини" ейишдан имон ва виждоннинг ўзи асрасин!

Рустам ҚЎШОҚОВ,
ҳуқуқшунос
Ғози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

Jahon tajribasi

ФИЛАДЕЛЬФИЯ МАЖЛИСИНИНГ 217 ЙИЛЛИК САМАРАСИ!

Дунё мамлакатлари конституцияси ва конституцияшунослиги ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, АҚШ конституцияси тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, бугунги кунга келиб, АҚШнинг демократик ҳуқуқий давлатлардан бирига айлангани замирида бундан 217 йил бурун қабул қилинган конституциянинг ўрни беқиёсдир. Зеро, бу ҳужжат инсоният тарихида илк асосий ёзма қонун бўлиб, икки юз йилдан ортиқ вақт мобайнида америкача сиёсий-ҳуқуқий мафкурани, ўзига хос конституциявий тажрибани мужассам этибгина қолмай, конституция ва конституцияшунослик мактабига асос солди.

АҚШ Конституция ва конституцияшунослик тарихи 1787 йилдан эмас, балки 1777 йили қабул қилинган ҳамда ҳозирда АҚШнинг биринчи Конституцияси дея эътироф этиладиган **"Конфедерация ва абадий иттифоқ моддалари"** билан бошланади. Америка халқи инглиз ҳукмронлигидан халос бўлгач, ўзини эркин ва озод миллат, дея эълон қилган бўлса-да, амалда улар ўзларини тўла эркин фуқаролар сафига қўшишмасди. Сабаби, Мустақиллик Декларацияси қабул қилингач, миллат фидойилари олдида мустақилликни ҳимоя қилишга қодир кучли федерал ҳокимиятни барпо этишдек муҳим вазифа турарди. Чунки Конфедерация моддалари асосида таркиб топган ҳукумат ўта заиф бўлиб, марказлашмаган ҳокимиятнинг асосини ташкил этарди. 1787 йилнинг 25 майидан 17 сентябрига қадар давом этган Филаделфия мажлиси бир қарашда оддий туюлса-да, айнан бугунги АҚШнинг тақдирини ҳал этган анжуман эди. Қолаверса, зиммасига миллат тақдирини ҳал этишдек ўта шарафли ва масъулиятли вазифа юкланган вакилларнинг асосий қисмини назариётчилар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчи ва сиёсатчилар ташкил этарди.

Шу боис, олимлар ушбу 55 нафар вакилни **"Биринчи америкалик оқиллар жамияти"** деб аташган. Биз ушбу йиғилишда кечган баҳс-мунозараларга тўхталиб ўтишдан чекиниб, АҚШ Конституциясининг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти марказида турадиган **"Мэдисон назарияси"** ҳақида фикр юритамиз. Ж.Мэдисон конституцияни ишлаб чиқишда халқ ҳокимиятчилиги тамойилига алоҳида эътибор қаратган. Ҳокимиятни ким бошқариши керак, деган саволга у бир сўз билан "Халқ", деб жавоб берган. Мэдисон назарияси билан қуролланган АҚШ конституцияси замирида тўртта тамойил ётади:

1. **Ҳокимиятлар тақсимланиш тамойили.**
2. **Федерализм.**
3. **Конституциявий назорат тамойили.**
4. **Республика ёки республикачилар тамойили.**

Албатта ўтган давр мобайнида мамлакат асосий қонунига 27 та қўшимча киритилди. Кези келганда шуни айтиш жоизки, Конституцияга киритилган қўшимчалар турли даврларда давлатни бошқарган турли президентлар фаолиятига дахлдордир. Масалан, Ж.Вашингтон даврида 12 та, Т.Жефферсон даврида 1 та, Э.Жонсон даврида 2 та, У. Грант ва Тафт фаолияти давомида 1 тадан, Ф.Рузвельт даврида 2 та, Г.Трумэн ва Д.Эйзенхауэр даврида 1 тадан ва ниҳоят катта Буш президентлиги мобайнида 1 та қўшимча киритилди. Кўриниб турибдики, АҚШ конституциясига энг кўп ва муҳим ўзгаришлар президент Ж.Вашингтон даврида киртилган бўлиб, тарихдан бу Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл номи билан жой олган.

Машҳур ёзувчи Марк Твен таъкидлаганидек, **ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл Америка фуқароларига икки ажралмас ҳуқуқни ато этади. Булар сўз ва виждон эркинлиги ҳуқуқларидир.**

Ҳуқуқлар тўғрисидаги Биллнинг 1-моддасида Конгресс динни мустаҳкамлайдиган ёки диний эътиқод эркинлигини тақиқловчи ёхуд сўз, матбуот эркинлигини, халқнинг тинч тўпланиш ва ўз шикоятларини қондириш учун илтимоснома билан ҳукуматга мурожаат қилиш ҳуқуқини чекловчи бирорта ҳам қонун қабул қилиши мумкин эмас, деб белгиланган. Мазкур қўшимча фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқлари — виждон, сўз, матбуот эркинлиги ҳамда шикоят билан ҳукуматга арз қилиш ҳуқуқини кафолатлаган. Шу билан бирга, ушбу қоидага кўра, давлат динни ўрнатиши ҳам, ҳомийлик қилиши ҳам мумкин эмас. Лекин бу жамият ҳаётида динга ўрин йўқ, деган хулосани бермайди. Дин давлатдан ажратилгани билан жамиятдан ажратилмаган. Шунингдек, биринчи қўшимча виждон эркинлиги муаллақ ҳуқуқлар жумласига киритилиб, фуқароларнинг қайси динга эътиқод қилишини ўзлари ҳал этишини кафолатлайди. Аммо сўз эркинлиги мутлақ ҳуқуқ ҳисобланмай, балки назорат объекти саналади.

Хуллас, Ҳуқуқлар тўғрисидаги Биллнинг 1-моддаси диннинг сиёсийлашувини чеклаб, ўз навбатида, давлатнинг динга аралашмаслигини ҳам назарда тутади. Яъни Томас Жефферсон таъкидлаганидек, биринчи қўшимча **дин билан давлат ўртасида мустаҳкам девор ўрнатди.**

АҚШ конституциясининг яна бир ўзига хос жиҳати 1-модданинг 9-бўлимида акс этган. Унда айтилишича, Конгресс **Bill of attainder** (шахсни судсиз жиноий жавобгарликка тортиш) ёки **Ex post facto** (бўлиб ўтган воқеликдан сўнг) каби қонунларни қабул қилиши мумкин эмас. Бу меъёрда айбсизлик презумпцияси тамойили мустаҳкамланган бўлиб, унинг мазмунига кўра, ҳеч ким суд муҳокамасисиз, суд ҳукмисиз жазога тортилмайди. АҚШ конституциясига киритилган сўнгги 27-ўзгартириш конгрессменларга тегишли бўлиб, унда белгиланишича, сенатор ва вакиллар палатаси аъзоларининг иш ҳақи миқдорини ўзгартиришни назарда тутувчи бирорта ҳам қонун вакиллар палатасига ўтказиладиган кейинги сайловга қадар кучга кирмайди. Бу билан қонуншунослларнинг дахлсизлиги, холис ва мустақиллиги янада кафолатланди. Умуман айтганда, АҚШ конституцияси ва унга киритилган ўзгартиришлар замирида жамиятда адолат, тенглик ва эркинлик тамойилларини қарор топтириш, ижтимоий ҳаётни либераллаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғояси ётади.

Ҳусан ТУРСУНОВ

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!

НУРЛИ ОРЗУЛАР ШУКУҲИ

Афинада ўтказилган XXVIII олимпиада ўйинларини, назаримда, ҳар қачонгидан зўр қизиқиш билан кузатдик. Бунга аввалгиларга нисбатан техник имконият кенгайганлиги (биргина "Спорт" телеканалимиз кўп соатлик репортажларни тўғридан-тўғри узатди), айни пайтда мустақил Ўзбекистоннинг халқаро спорт беллашувларидаги дадил ҳаракати муҳим омил бўлди.

Тўрт йилда бир бўладиган олимпиада майдонларида Ер юзидаги энг эпчил, энг чаққон, энг моҳир ёшлар инсоният қандай имкониятларга эга эканлигини бутун дунё олдида намойиш қилишади. Олимпиаданинг "Тезроқ, баландроқ, кучлироқ" деган шиори бор бўйи билан намоён бўлади. Мен, айниқса, ғалаба онларидаги қувонч туйғуси ёки омад юз ўгирган лаҳзалардаги афсус-надомат спортчиларнинг юзида қандай ифодаланганига эътибор қилдим. Пешқадам бўлишни дилига туккан, лекин асаблари дош беролмай ортда қолган спортчининг ўксиниши, бошини чангаллаши, афсусдан изтироб чекиши телеэкранда яққол кўриниб туради. Худди шундай ачинишни ишқибозлар ҳам бошларидан кечиришди. Хуллас, Олимпиада ажойиб спорт ва нафосат байрами бўлиб, ундан миллиардлаб одамлар завқ олади.

Бундай нуфузли мусобақаларда иштирок этиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Спортнинг муайян турида ўзини кўрсатган йигит-қизлар олимпиада йўлланмасини қўлга киритиб курашга қўшиладилар. Бошқача айтганда, тенгсиз беллашувларда тўрт йиллик тайёргарлик (баъзилар учун бутун умрлик) юз кўрсатади. Ана шундай спорт байрамида Ўзбекистонимиздан 69 нафар спортчи юртимиз номидан вакил сифатида қатнашди. Улар қандай натижага эришганлигидан хабардорсиз, албатта.

Олимпиада қаҳрамонларини халқимиз катта тантана билан кутиб олди. Олтин, кумуш, бронза медаллари соҳиблари Президентимиз Фармони билан юксак тақдирландилар.

Дунё спортчиларининг бу ажойиб байрамида Ўзбекистон эришган натижалар нафақат юртимиз, балки жаҳондаги бошқа мамлакатларнинг мутахассислари томонидан ҳам юқори баҳоланди. Албатта, улар Ўзбекистон спортчилари эришган ютуқларни ўз юртларидан борган ёшлар натижалари билан таққослашади. Интернетнинг "Gazeta.kz" сайтида Санжар Темиргалиев деган муаллиф Олимпия ўйинлари тарихида Ўзбекистон Грузия, Қозоғистон спортчиларини ортда қолдирганликларини таъкидлаб, гарчи Қозоғистондан 119 нафар вакил қатнашган бўлса-да, 40-ўрин насиб этганлигини қайд этади. Бутунжаҳон ахборотномасида тарқатилган мазкур мақолада Ўзбекистон спортчилари қозоғистонликларни ортда қолдиришгани асло тасодифий эмас, балки қонуният эканлиги айтилади. 2001 йилдан 2003 йилгача ўзбекистонликлар жаҳон чемпионатларида қўлга киритилган совринлар сони бўйича қўшнилардан илгарилаб кетганлиги далил сифатида келтирилади.

Шуниси диққатга сазоворки, олимпиадачиларимиз ўз натижаларини танқидий баҳолаб, имкониятлари бундан ҳам катта эканлигини айтишмоқда. Дарҳақиқат, мусобақалар бошланмасдан аввал мўлжалимиз анча баланд эди. Жаҳон чемпиони, қитъа ғолиби, халқаро турнирлар совриндори каби титул эгалари катта майдонда ярқ этиб кўзга ташланишмади.

"Омад юз ўгирди" — шарҳловчиларимиз юмшоқкина шундай таърифни тилга олишди. Аслида жаҳон рекорди олимпиада рекордидан юқори туради-ку?! Шундай экан, нега жаҳон чемпионларимиз катта пойгадан ортда қолишди?

Олимпиадада номи тилга олиниб, байроғи кўтарилган, мадҳияси куйланган давлат, билмадим, спортдан бошқа соҳада шунчалик машҳур бўлиши учун қандай жасорат талаб қилинаркин? Бир эксперимент ўтказиб кўрдик. Ҳамкасбларимиздан Буркино — Фасо, Макао, Бенин, Лесото каби давлатлар Ер юзининг қайси қитъасида эканлигини сўраб чиқдик. Ишонасизми, уларнинг кўпчилиги аниқ маълумотга эга эмасликларини айтишди.

Кения қаерда деб сўралганда, "Ҳа, энг узоқ масофага югуриш бўйича чемпионлар ўлкасими, Африкада" дейишди. Агар ишонсангиз, биздан таниқли чемпионлар чиққунча Ўзбекистонни ҳам Буркино — Фасо каби танишмасди. Энди эса Марказий Осиёда шундай мамлакат борлигини билишяпти.

Лекин ўзимиз эришган натижалар, барибир ўзимизни қониқтирмаётгандай. Россиядан борган бир спортчи 7 та медални қўлга киритди. Балки қиёслаш ножоиздир. Лекин 15-20 йиллар муқаддам олимпиадаларда АҚШ, СССР, Германиянинг яқинига ҳеч қайси давлат боролмас эди. Хитой, Австралия, Япония, Корея каби давлатларнинг спортчилари кейинги йилларда юлдуз бўлиб порлашяпти.

2008 йилда бўлажак олимпиадага ҳозирдан тайёргарлик кўриш керак. Ҳолбуки, бизда Афина олимпиадасига ҳозирлик кўриш ҳақида кенг жамоатчилик даврасида 1,5-2 йиллар муқаддам баралла сўз юритилди. Ахир, олимпиадада вакилларимиз кўпроқ шоҳсупага чиқишса, ўзимиз чиққандай бўламиз-ку? Шундай дамлардаги ғурур-ифтихорни нима билан ўлчаш мумкин? Ҳеч нарса билан.

Аслида Олимпиадага тўрт йил эмас, узоқ давр тайёргарлик кўриш керак чоғи. Айтайлик, Японияда ҳозир 2012 йилги Олимпиадага илмий асосда ҳозирлик кўриш дастури амалга оширилмоқда. Демак, ўшанда майдонга чиқадиган гимнастикачилар ҳозир болалар боғчасига қатнаётган бўлиши мумкин.

— Ёш гўдакни юқорига отиб ўйнатинг, сизга табассум ҳадя қилади, — дейди спорт мутахассисларидан бири. — 9-10 яшар болага шундай қилсангиз, қўрққанидан ранги-қути ўчади. Демак, бола қанча эрта машққа ўргатилса, шунча кўп чиниқади.

Ўзбекистонда катта муваффақият қозонаётган уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари тизими дунёнинг бошқа бирор-бир мамлакатида йўқ. "Умид юлдузлари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари, аввало, ўсиб келаётган авлод саломатлигини сақлаш, спорт оммавийлигини таъминлашга йўналтирилган. Модомики, миллионлаб ёшларни қамраб олган бу ўйинларда ҳам совринли ўринлар олиш учун курашилар экан, қўлга киритган мукофотларни Олимпиада медалларига айлантириш орзуси барг ёзса, ажаб эмас.

Афина олимпиадаси кунлари бир ҳолат ёдимизда муҳрланиб қолди. Ҳамюртларимиз — қайси касб эгаси бўлишмасин — даладаги деҳқонми, дастгоҳ ёнидаги ишчими, муаллим ёки ҳуқуқшуносми, ҳар кунги мулоқотда "Грециядан хушхабар борми?" деб сўрашади. Ана шу иштиёқда ҳам она Ватанга муҳаббат, юрт тупроғи билан ғурурланиш акс этди. Келгуси спорт беллашувларига спортчиларимиз ғалабани дилларига тугиб тайёргарлик кўришса, ортларида бутун Ўзбекистон борлигини ҳис қилиб майдонга тушишса, орзуларимиз ушалиши турган гап.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Taqdir tarixi

БЕШАФҚАТ НАФС

ЁХУД ХХ АСР ЎҒРИБОШИСИНИНГ ҚЎЛГА ОЛИНИШИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

— Мен Вячислав Иваньков билан 1970 йилда танишганман, — дейди Иваньковнинг яқин дўсти Сергей Хазаров. — Ўша пайтларда арманларнинг йўл қурилиши бригадасида ишлар эдим. Бирпасда иккаламиз жуда яқин дўст бўлиб қолдик. Унинг жуда кўплаб саргузаштларига гувоҳ бўлганман. 1974 йил Иваньков, мен, Асаф Сосунов ҳамда арман жиноий гуруҳининг бошлиғи Гайк Геварсян тўрттовимиз Москвадаги "Рус" ресторанига кирдик. Бу тонг отгунча ишлайдиган ягона ресторан бўлгани учун ҳам мижозлари жуда кўп эди. Шу жумладан, Брежневнинг қизи Галина хоним ҳам ушбу ресторанга тез-тез келиб турар эди. Ширакайф ҳолатда маза қилиб ўтирган эдик. Ёнимиздаги стол атрофига жойлашган кавказлик кишилардан бири Вячислав Иваньков билан таниш бўлиб қолган аёлни русча рақсга таклиф қилди. Бироқ аёл рози бўлмагач, битта юз сўмлик пулни ўткир тиғдек қилиб айлана қилди-да, аёлнинг сочига санчиб қўйди. Кейин кутилмаганда худди хориж фильмларида бўлгани каби муштлашув, отишув бошланди. Билишимча, ҳалиги аёлни ҳақоратлаган кимса Москвадаги грузин жиноий гуруҳининг аъзоси Гога Дибуадзе эди. Ўша муштлашувда кимдир бўш қолган ароқ шишаси билан Иваньковниг бошига урди. Шеригимиз Асаф Сосунов чўнтагидан пистолет чиқарди ва Дибуадзега қарата икки марта ўқ узди. Кимдир Сосуновнинг қўлига стул билан уриб пистолетни учириб юборди. Шу пайтнинг ўзидаёқ пистолетни мижозларга хизмат қилаётган официант олиб кетди. Бироқ суд жараёнида ҳам шу пистолет топилмади.

Бу муштлашувнинг эртаси куни "Америка овози" радиоси "Рус" ресторанидаги олишув ва отишувни миридан-сиригача шарҳлаб берди. Бу воқеа 1974 йил учун жуда вахимали ва шов-шувли ҳолат эди. Орадан кўп ўтмай, муштлашувда қатнашганларнинг ҳаммаси қўлга олинди. Бу масала билан КГБ шуғуллана бошлади. Москва шаҳар ички ишлар бошқармасига Вячислав Иваньковни топиш ва тезлик билан йўқ қилиш вазифаси юкланди.

Муштлашув ва отишув юзасидан олиб борилган суд жараёнидан сўнг Гога "жинни" деган сохта тамға ва хулоса билан озодликда қолди. Олти марта судланган ва грузин жиноятчиларининг вакили саналган Витольд Гернин икки йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Иккита ўқ теккан бўлса-да, тасодиф туфайли тирик қолган Гога Дибуадзе Асаф Сосунов ва Вячислав Иваньковларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини таъкидлагач, улар оғир жазодан қутулиб қолишди. Аммо қўлга олинган пайтда ёнида бир қанча қалбаки ҳужжатлар бўлгани учун Вячислав Иваньковни ҳам жиноий жавобгарликка тортишди. 1974 йилнинг 18 ноябрида у 7 ой 15 кунлик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Ўғрибоши В. Иваньков ашаддий жиноятчи, бешафқат шахс ва миллатчилигидан фарқли равишда аёллар билан маишат қилишга мукка-сидан кетган хотинбоз ҳам эди. Унинг Света исмли жазмани аксарият ҳолларда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан мустаҳкам алоқада бўлар ва ахборот ҳамда энг зарур маълумотларни Иваньковга етказиб турар эди. Яна бир жазмани Евгения Животовой эса машҳур Кремл клиникасида шифокор бўлиб ишларди. Шунинг учун ҳам ўғрибоши Иваньков вақти-вақти билан Леонид Ильич Брежневнинг шифокорларидан муолажа олар ва бундан хурсанд ҳам бўларди.

1975 йил. Вячислав Иваньков "ГАЗ-24" машина олиш учун таниш ахтариб юрган бир пайтда Калина Никифорова билан танишиб қолади. Калина хоним бу борада Иваньковга, албатта, ёрдам беришини айтади. Ўша пайтда Калина Никифорова СССР озиқ-овқат вазирининг куёви Михаил Глиоза билан яхши алоқада бўлгани учун ҳам Иваньковдан олган икки ярим минг сўм авансни Глиозага узатади. Ўз ўрнида Глиоза бу пулни вазирликда ишлайдиган танишига беради. Бироқ кутилмаганда вазирлик ходими ишдан бўшатилади ва икки ярим минг сўм пул В. Иваньковнинг қўлига қайтиб келмайди. Ёз пайти Глиоза яна В. Иваньков билан тасодифан учрашиб қолади. В. Иваньков ундан "Газ-24" учун аванс тариқасида берилган икки ярим минг сўмни беш минг сўм қилиб қайтариб беришни талаб қилади. Қатъий қилиб "Эртага эрталаб соат 10.00 да пулни Совет Армияси театри олдида санаб оламан. Пулни олиб келгунингча машинанг менга хизмат қилади", дейди ва унинг "00-01 МОФ" давлат рақамли машинасини ҳамда "ушбу автомобил ва унинг ҳайдовчисини тўхтатишга, текшириб кўришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ" деб ёзилган махсус талонни олиб кўяди. Глиоза бундан ваҳимага тушади ва ички ишлар идорасига мурожаат қилади. Бир зумда ўғрибошини қўлга олиш операцияси ишлаб чиқилади. Тузилган режага асосан Глиоза талаб қилинган пулни Иваньковга олиб бориши ва у билан бўладиган қисқагина суҳбат давомида яқин атрофда тайёр турган милиция ходимларига "қўлга олинглар!" дея ишора қилиши лозим эди.

Қисқаси, ўша кун В. Иваньков машинада айтилган жойга етиб келади ва Глиозанинг ёнида тўхтаб унга тезлик билан машинага ўтиришни тайинлайди. Глиоза ўтиргач, машинани катта тезликда ҳайдаб театр майдонидан чиқиб кетмоқчи бўлади.

Кутилмаганда орқадаги "Волга"да келаётган прокуратура, ички ишлар ходимлари Иваньков бошқараётган машинага автоматдан ўт очишади. Вақти келганда ушбу отишув ҳақидаги маълумотларни йўқ қилиш учун сиёсатчилар бу отишма Москвада 1960 йилдан буён яширин иш олиб бораётган АҚШ махсус хизмати ходимларининг навбатдаги қўпорувчилик жиноятидеб баҳолайди. Бу даврга келиб В. Иваньковнинг ўғрилар оламидаги обрўси янада кўтарилиб кетган эди. Прокуратура эса уни бутунлай йўқ қилиб юбориш учун арзирли айб тополмай хуноб эди. 1981 йилга келиб судҳуқуқ ходимлари В. Иваньковни озодликдан маҳрум этиш учун баҳона топишга эришадилар. Қимматбаҳо маркалар ҳамда хорижий иконалар йиғишга қизиқадиган деган кимса Аркадий Нисензон "Иваньков уйимга бостириб кириб, мендан 100 минг рубль пул талаб қилди", дея милицияга хабар бергач, яна уни қўлга тушириш режаси тузилади.

1981 йил 14 май куни беш юздан ортиқ ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари В. Иваньковни қўлга тушириш режасига жалб қилинди. Бутун Москва бўйлаб ўша куни икки юздан ортиқ тинтув ишлари ўтказилади. Иваньков яшайдиган уйнинг атрофига кузатувчи соқчилар қўйилади. Текширув ва қўлга олиш режаси бу гал панд бермади. Иваньков хотини билан уйдан чиқиб машинага ўтиради. Шу пайтнинг ўзидаёқ милиция етиб келади. Ўғрибоши машина тезлигини ошириб катта йўлга чиқиб олади. Хуллас, қийинчилик билан бўлса-да, у қамоққа олинади. Адвокат Генрих Подва В. Иваньковни қанча оқламасин, барибир, суд ўғрибошини 14 йиллик муддат билан озодликдан маҳрум этади.

1990 йилга келиб Вячислав Иваньковнинг рафиқаси Лидия Айвазовна СССР халқ депутати Святослав Федоровга мурожаат қилиб, эрини озодликка чиқаришда ёрдам беришини сўрайди. Натижада ўғрибоши яна қамоқдан озод қилинади. 1992 йил АҚШга қайтиб кетади ва у ерда ҳам тезда "обрў" орттиради. Ўша пайтларда қўшма штатларида гастролда бўлган Вилли Топорев Италия жиноий гуруҳининг АҚШдаги аъзолари қўлига тушиб қолган эди. "Сўроқ суриштирув" жараёнида у гуруҳ бошлиғига "Мен Вячислав Иваньковни танийман" деб икки оғиз гапиради. Алқисса, шу гапнинг ўзи етарли эди. Шу заҳотиёқ жиноий гуруҳ Топоревни бутунлай кечириб юборади. Шуниси борки, Вячислав Иваньков АҚШда кўп фаолият олиб боролмади. Дарҳол қамоққа олинди. Шу йилнинг ёзида ўғрибошини Москвага келтиришди. Айни паллада унга қўйилган айблар, суд жараёнлари, жиноятчининг қилган-қилмаган жиноятлари устида қизғин баҳс кетмоқда.

Хорижий матбуот материаллари асосида Умид РАҲМАТОВ тайёрлади.



To`rtinchi hokimiyat

ИШОНЧ ва ҲАЛОЛЛИК

журналистнинг энг катта имтиёзидир

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Шу ўринда бошқа бир муаммо ҳам йўқ эмас. Келинг, тарозунинг паллаларини тенглаштиришга ҳаракат қилайликда, фақат ўзимизнинг камчиликларга "суяниб" қолмайлик. Ўз ишига ҳалол ёндашадиган, ўз касбининг устаси, яъни ҳар қандай мақолани "қийиб қўядиган" ҳамкасбларимиз бор. Афсуски, жойлардаги баъзи бир раҳбарларнинг уларга қилаётган муомаласида қўполлик, ҳурматсизлик учрайди. Балки бу баъзи "учар" мухбирларнинг ҳатти-ҳаракатининг самарасидир. Яна ким билади, дейсиз. Нима бўлганда ҳам, ҳар қандай раҳбарнинг матбуот ҳақидаги тушунчалари кенг, комил бўлиши керак.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Журналистлар қалами бамисоли ўткир тиғ. Биз бу билан журналистларнинг ўз касбига садоқати қай даражадалиги борасида гапира туриб, жамиятни иллатлардан тозалашда журналистлар қаламининг нечоғли ўрни катта эканлигини айтиб ўтмоқчимиз, холос. Токи ҳеч бир журналистнинг тиғи ўша ёмон иллатлар билан занглаб қолмасин, ўзини ҳам, қуролини ҳам ўтмаслаштириб қўймасин. Токи ҳар бир ёзганимиз гўёки чаманзордаги бегона ўтларни битта бўлса ҳам камайтиришга хизмат қилсин. Бунинг учун фақат қаламни эмас, балки ҳалолликни ҳам қурол қилиб олиш керак бўлади. Биламизки, ҳалоллик ҳар бир кишининг тинчлигини, ҳузур-ҳаловатини таъминлайди.

Эрталаб одатдагидек, соат саккиздан ишга келиб, кечкурун оиласи бағрига қайтишни бахт деб биладиганларга ҳавас қилишимиз балки шундандир...

Шоди ОТАМУРОД,
журналист

Charxi kajraftor

ТАЪБИ НОЗИК ЭРКАКЛАР

ёки икки мультмиллионернинг бир жуфт туфли учун сал кам етти ой судлашганлиги хусусида

Бойлик ҳам одамни зериктириши мумкин экан. Нега деганда, хориждаги баъзи бир мультимиллионерларнинг ажабтовур хатти-ҳаракатини кўриб, киши беихтиёр шундай хулосага келади. Гап шундаки, германиялик бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналарнинг хўжайини ҳамда саккиз юз миллион еврога эга жаноб Сандер 15 апрел куни ярим тунда "Гавана" сигаретасини истаб қолди. Хумори тутса, ёмон бўларкан. Жаноб Сандер ярим тун бўлишига қарамай, Берлиндаги машҳур қаҳвахонага йўл олди. Бироқ бахтсизликни қарангки, у қаҳвахонага кираётиб, остонага 800 евро турадиган туфлисининг усти қирилиб кетади. Буни кўриб жаноб Сандернинг кайфияти жуда бузилди. Ва у эртаси куниёқ судга мурожаат қилиб, қаҳвахона хўжайинидан янги туфли олиб беришини талаб қилади. Шуниси муҳимки, унинг туфлисини тайёрлаш учун Англиядаги "John Lobb" фирмаси уч ой вақт сарфлаган экан... Жабрланувчи миллионернинг биргина шу туфлиси борлиги суд хужжатларида ўз аксини топган.

Яна ажабланарли томони шундаки, қаҳвахона хўжайини учта йирик хусусий корхонага эгалик қилса-да, жаноб Сандерга янги туфли тайёрлаб беришдан бош тортмоқда. Натижада ҳар икки томоннинг адвокатлари ярим йилдан буён ишни охирига етказолмай овора-ю сарсон. Масаланинг қулгули томони шундаки, адвокатлар шу иш бошлангандан буён югураверib бир жуфтдан туфлини адо қилдилар. Иш эса ҳамон якунига етгани йўқ.

Миртемир АЗИЗОВ тайёрлади.

Jinoyatga jazo muqarrar

ҚИММАТГА ТУШГАН ҚИЛМИШ

Ёки айрим содда кишиларни чув тушириб юрган найрангбознинг кирдикорлари хусусида

Табиатан содда ва самимий, одамларга ишонувчан, Ибодулла аканинг бошига кутилмаганда ташвиш тушди. Унинг яккаёлғиз ўғли гиёҳванд моддалар олди-сотдисига қўл уриб, ҳибсга олинди. Бироқ фарзанди қўл урган жиноятнинг мураккаблигини ҳисобга олмай Ибодулла ака нажот истаб тўрт томонга чопа бошлади. Дард устига чипқон деганларидек, қишлоқда ҳам турли хил гап-сўзлар кўпайиб кетади. Бу гап-сўзларга чидай олмай нима бўлса-да, арзандасини қутқариб қолишга маҳкам бел боғлади. Ана шундай кунларнинг бирида укаси ҳовлиққанча уйга кириб келди.

— "Меҳнат-Роҳат" ширкат хўжалигининг "Дамарик" қишлоғида Раҳматулла исмли киши бор экан. Ўзи илгари ички ишлар ходими бўлган. Қўлидан кўп нарса келади. Эшитишимча, кўпчиликнинг мушкулини осон қилган экан. Эртага эрталаб шунга бориб учраймиз. Насиб этса, ишингиз тўғри бўлади, — деди укаси.

Бу гап Ибодулла аканинг хира тортган кўнглига ёруғлик олиб киргандек бўлди. Кеч бўлиб қолганига қарамай ана шу таниш-биликка ҳозироқ боришга қистай бошлади. Ахийри, ака-ука йўлга тушишди.

Раҳматулла ярим тунда келган меҳмонларнинг дардини қулоқ қоқмай эшитди. Сўнг анча пайт сукутга толиб турди-да, секин гап бошлади:

— Қийин иш экан, лекин иложи бор. Мен гаплашиб кўраман, агар милиция каттасини кўндира олсам, дастлаб йўлини қилиб, ўғлингизни судгача очиққа чиқарамиз. Кейин судда бир иложини қиламиз. Бундан юз марта оғир ишларни қилганмиз. Ҳамма гап пулда...

Шу кун Ибодулланинг елкасидан тоғ ағдарилиб, кўнгли анча тасқин топгандек бўлди. Раҳматулла деганлари жуда ҳожатбарор одам экан, ишни пайсалга солмай, эртага эрталаб туман ички ишлар бўлими олдига 200 минг сўм пул олиб келинглар, керакли одамга киритиб бераман. Иш тўғри бўлиб, ўғлингиз очиққа чиққач, ўша одамни ҳам, мени ҳам ҳақимни берасизлар, деди. Фарзанд фарзанд экан. Ибодулла Раҳматулла айтган пулни қарзҳавола қилиб топди.

Эрталаб акаси Мамарасул ҳамда турмуш ўртоғи билан туман ички ишлар бўлими олдига 200 минг сўм пулни қўлтиқлаб келишди. Раҳматулла ўлжаси ўз оёғи билан келганини кўриб, мийиғида кулиб қўйди. Жиддий тарзда пулни қўлига олган Раҳматулла ҳаммаси саналганми, тағин уларнинг олдида уятда қолмай, деди. Сўнг сизлар энди бозорни олдидаги чойхонага бориб чой ичиб ўтиринглар. Мен пулни олиб кириб эгасига бераманда, ўғлингизни очиққа чиқариш ҳақидаги қоғозни олиб ўша ёққа бораман, деб тайинлади...

Ибодулло ўғлини озод қилиш учун кимларнинг остонасига бош урмади, дейсиз. Бирор кас ёрдам берай демади. Худонинг ўзи қўллади. Етти ёт бегона Раҳматуллани етказди. Қаловини топса қор ҳам ёнади, деб шунга айтишади-да. Ҳар бир ишни пири бўлади-да. Қуш тилини қуш билади, деганларидек иш битди. Насиб этса, ўғли очиққа чиқади. Судгача бир гап бўлар. Шунча ишни эплаган одамга буёғи ҳам қийин бўлмаса керак. Салкам тўрт ойлик бу дарду бало Ибодуллани ҳам, унинг турмуш ўртоғини ҳам адои тамом қилиб ташлади. Фарзанд соғинчи, меҳри ёмон бўлар экан.

Қисқаси, Ибодулла ака шундай ўй-хаёлга ғарқ бўлиб чойхонада бир соат, икки соат, қўйингки, кечга қадар ўтирди. Бироқ валломат Раҳматулладан дарак бўлмади...

Энди гапни Раҳматулладан эшитсак. У мўмай пулни қўлга киритгач, номигагина ички ишлар бўлимига кирди-да, тезда қайтиб чикди. Кейин ҳайт-ҳуйт дея Тошкентга жўнаб қолди.

Аслини сўрасангиз, фирибгар Раҳматулла Одинаев 1964 йил туғилган, олий маълумотли, илгари ички ишлар бўлимида ишлаган. Бироқ ишдан четлатилган. Кейин эса фирибгар содда ва ишонувчан одамларни лақиллатиб юрган. Албатта, Р.Одинаев фирибгарлиги учун қонуний жазо олди.

Унга ўхшаган фирибгар кимсалар ҳаётда кўплаб учраб туради. Бунинг устига айрим одамларнинг ишонувчан ва соддалиги бундай фирибгар кимсаларнинг кўпайишига йўл очаётгани ҳам бор гап.

Шу боис кимнингдир алдовига учиб, қонунни айланиб ўтишга уриниш охир-оқибат ана шундай сарсон-саргардонлик, асаб-бузарликка сабаб бўлади.

Акмал ИМОМОВ,
ҳуқуқшунос
Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ФИРИБГАР

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Акасининг қамоқдан чиқишини эшитиб, Санобарнинг боши осмонга етди.

Омонулла ҳақиқатан ҳам, Санобарнинг акаси билан қамоқда бирга бўлган, лекин акаси ундан бизникига бориб, пул, кийим-кечак, озиқ-овқат бердириб юборгин, деб айтмаган эди.

Омонулла қамоқда пайтида гап орасида унинг қаерда яшишини, Санобар деган синглиси ўзидан хабар олиб турганлигини билиб олган эди. Қолган гапларни эса Омонулланинг ўзи тўқиб чиқарди.

У Санобарда яхши таассурот қодиргани учун бечора аёл унинг барча ёлғонларига чиппа-чин ишонди. Қариндошуруғларидан Омонулла айтган миқдорда пул, кийим-кечак, озиқ-овқатларни тўплаб, Омонулланинг қўлига тутқазди.

Омонулла Санобар берган нарсаларни олиб, у билан қуюқ хайрлашди ва шу бўйи қайта қорасини кўрсатмади.

Санобар орадан анча вақт ўтгач, акаси билан кўришди ва ундан пулни ҳам, кийим-кечакларни ҳам, озиқ-овқатларни ҳам олмаганини билгач, Омонулла ўзини чув тушириб кетганини англади... Бироқ энди кеч бўлган эди.

"ҚАНИ ЎША БАХТ ҚУШИ?"

Омонулла эса бу пайтда янги ўлжа қидириб юрган эди. Кунлардан бир кун у Одина исмли қизнинг юриш-туриши, гапларидан пули кўплигини сезиб қолди. У табиатан анча содда бу қизга ўзини банк ходими деб таништираркан, гап орасида сўққабошлик жонига текканлигини, бирон-бир яхши қиз учраса, оила қуриш нияти борлигини қистириб ўтди. Ўқимишли, топарман-тутарман йигитни учратишни орзу қилиб юрган Одина кутилмаганда бошига "бахт қуши" қўнгандек хурсанд бўлиб кетди. Танишганларининг бешинчи куни Омонулла Одинадан катта миқдордаги пулини АҚШ долларига алмаштириб бераман, деб олди. Сўнг минг АҚШ долларига тенг миқдордаги пулни қарзга ва яна минг АҚШ долларидан кўпроқ турадиган олтин соатига браслет ўрнатиб бераман, деб олди-да, дом-даракси йўқолди.

"ЭҲ, МАЛОҲАТ, МАЛОҲАТ..."

Тақдир тақозоси билан эридан айрилган Малоҳат якка-ю ёлғиз ўғли билан бировнинг уйида ижарада яшар, унинг бирдан-бир орзуси уй сотиб олиш эди. Ниятига етиш учун тиним билмай елиб-югурар, ейишдан ҳам, кийишдан ҳам тежаб, уй сотиб олиш учун тийиннлаб пул йиғарди.

Ана шундай кунларнинг бирида унинг ҳаёт йўлида Омонулла пайдо бўлди.

Омонулла биринчи кўришдаёқ Малоҳатда яхши таассурот қолдирди. "Маданиятли йигит экан", деб ўйлади у Омонулланинг хушомадларига маҳлиё бўлиб. Кейин кунлар ўтган сайин унга қандай боғланиб қолганини ўзи ҳам билмай қолди.

Омонулла Малоҳатни уйига таклиф қилди. Малоҳат эса "маданиятли йигит"нинг таклифига қарши бора олмади. Бу — бутун умр ҳалол меҳнат билан яшаб келаётган аёлнинг жуда катта хатоси бўлди.

Омонулла уни ўзи вақтинча яшаётган уйига олиб борди. Иккаласи анчагина миқдорда спиртли ичимлик истеъмол қилишди. Малоҳат маст бўлиб қолди.

Омонулла унинг дилидагини билиб олиш учун пулдан гап очди. Машина олмоқчиман, шунинг учун емай-ичмай пул тўплаяпман, деди у.

— Мен уй, олмоқчиман. Худо хоҳласа, яқинда уй сотиб оламан, 1.200.000 сўм пул тўплаб қўйдим, — деб юборди Малоҳат оғзи бўшлик қилиб.

Омонуллага эса айнан шу нарса керак эди.

— Ундай бўлса, ишлар беш экан, Малоҳатим, — деди Омонулла уни эркалаб. — Қанча пул тўплаб қўйдингиз? Ҳойнаҳой, уни банкда сақлаётгандирсиз-а? Пулни уйда сақласангиз ўғрилар кўп, ўғирлатиб қўйиш мумкин...

— Йўқ, — деди бош чайқаб Малоҳат, — мен... менинг "Чайка" деган тикув машинам бор, пулимни ўшанинг ичида сақлайман. Тикув машинанинг ичини қараш мана ман деган ўғрининг ҳам эсига келмайди.

Аслини айтганда, Малоҳатга ичкилик қаттиқ таъсир қилган, у сўзидан адашиб, кўзлари юмилиб борарди. Орадан кўп вақт ўтмай, у қотиб ухлаб қолди.

Омонулла эса шошапиша Малоҳатнинг уйига йўл олди. Эшикни Малоҳатнинг тўққиз ёшли ўғли очди.

— Онанг мени пулга юборди. "Чайка" тикув машинасининг ичида пули бор экан.

Бола Омонулланинг гапига ишонди. Омонулла тикув машинаси ичидаги 1.200.000 сўм пулнигина эмас, олти минг сўмлик сумкани, унинг ичидаги 40.000 сўмни, 2 та бриллиант кўзли узукни, ҳаммаси бўлиб, 1.344.450 сўмлик мол-мулкни олиб чиқиб кетди.

Уйига қайтиб келганда Малоҳат ҳамон ухлаб ётарди. У пуллар ва бошқа ўғирлаб келган нарсаларни уйга яширди. Аммо кўнгли нотинч эди.

Малоҳат уйига бориб бор гапни ўғлидан билиб олади, сўнг милицияга хабар беради... Унинг яна қамоқхонага боришга тоқати йўқ...

Омонулла ухлаб ётган Малоҳатга тикилар экан, кўнглида ёвуз ният туғилди. У қўлига ёстиқни олди-да, Малоҳатнинг ёнига келди. Ёстиқни Малоҳатнинг бошига ташлаб, уни бор кучи билан босиб турди...

Омонулла унинг ўлганлигига ишонч ҳосил қилгач, бўйнидаги тилла занжирини ва қулоқларидаги бриллиант кўзли зирагини ечиб олди.

Омонулла Малоҳатни ўлдириб, унинг мурдасини йўқ қилсам, осон қутуламан деб ўйлаган эди. Аммо унинг ўйлаганлари сароб бўлиб чиқди.

Унинг жиноятни фош бўлиб, суд томонидан қилмишига яраша жазо тайинланди.

Энди шундай савол туғилади: Омонулла ва у каби фирибгар кимсаларнинг орамизда эмин-эркин юриб ўзларининг жиноий режаларини осонгина амалга ошираётганининг сабаби нимада? Бунинг сабабини ишонувчанлигимиздан қидириш керак. Биз одамларнинг чиройли гапларига қараб эмас, чиройли ишларига қараб баҳо беришимиз лозим. Ана шундагина Омонуллага ўхшаганларнинг пайи қирқилади.

Шоҳруҳ АКБАРОВ

Jinoyat va jazo

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2004 йил 29 октябр кунги қарори билан фуқаро Сайфиддинов Ўроқбой номига берилган SA 000290 серияли, 286 рақами билан давлат реестрида қайд этилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси БЕКОР ҚИЛИНДИ.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Гафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
. 2 3 4 5 6